



O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956-yil 4-yanvardan chiqq boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOY GAZETA

№ 28 (4583) 2020-yil 31-iyul

ЎЗБЕКISTON ХАЛҚИГА ҚУРБОН ХАЙИТИ ТАБРИГИ

Қадрли ватандошлар!

Бутун ислом олами каторида дину диёнати, эътиқоди мустақкам халқимиз катта интиқлик билан қутиб олаётган муборак Қурбон хайити билан сиз азизларни, юртимиздаги барча мусулмон умматини чин қалбимдан самимий табриқлайман.

Қўхна тарихимиз давомида юртимизнинг маънавий ҳаётида беқийс ўрин эгаллаб, жамиятимизда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик тамойилларини ҳар томонлама барқарор этиб келаётган бу қутлуг байрам барчамизга муборак бўлсин!

Ушбу муқаддас айёмда сизларга, бутун эл-юртимизга сихат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик, бахту саодат тилайман.

Дунё давлатлари катори мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмаган оғир синов – коронавирус пандемияси шаронтида биз Қурбон хайитининг жамиятимиз ҳаётидаги беқийс ўрни ва улкан аҳамиятини янада чуқур ҳис этмоқдамиз.

Айниқса, бу қутлуг байрамнинг моҳиятида мужассам бўлган эзгу ва савоб ишлар қилиб яшаш, ўзаро ёрдам, меҳр-саховат, сабру қаноат, шукроналик, тинчлик ва соғлиқни қадриладик улуг фазилатлар бутун алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Шу маънода, айнан шундай муқаддас қадриятларимиз бугунги мураккаб вазиятда эл-юртимизга қўшимча қуч-ғайрат, қидам ва бардош ато этмоқда, десак, тўғри бўлади.

Давлатимиз ва жамиятимиз томонидан қўриладиган барча чора-тадбирларга қарама-қарши, минг афеуски, юрдошларимиз орасида ушбу касалиқдан вафот этганлар ҳам бўлди. Уларнинг оила аъзолари ва яқинларига чин қалбимдан ҳамдардлик билдириб, барчаларига сабр-бардош тилайман, марҳумларнинг охирақлари обод бўлишини Яратгандан сўраб қоламан.

Албатта, пандемия туфайли оммавий тадбирларни, жумладан, Қурбон хайити билан боғлиқ маросимларни жамоат бўлиб адо этишда айрим чекловлар вужудга келганини мавжуд вазият тақозоси сифатида барчамиз яхши тушунаемиз.

Муқаддас Қуръони каримнинг бир неча ўринларида **хайр-эхсон, эзгуликнинг муқофоти фақат яхшилик** экани алоҳида таъкидланган. Бу каби пурмаъно ҳикматлар бугунги синови кунларда жамиятимизда меҳр-оқибат, саховат ва муруват, ўзаро тотувлик, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик муҳитининг тобора юксалиб боришида акс этмоқда.

Дарҳақиқат, ушбу оғир синов дамларида Аллоҳ таолонинг ўзи эзгу ва савоб амаллар учун янги имконият эшикларини очиб бермоқда. Хусусан, пандемия туфайли ишдан, доимий даромад манбаидан узилиб қолган, ёрдамга муҳтож инсонларга қўмақ беришни юрдошларимиз ўзларининг инсоний бурчи, деб қабул қилаётгани таҳсинга лойиқдир. Зеро, муқаддас ҳадисларда келтирилганидек, ҳақиқий мусулмон ўзига раво қўрганни биродарига ҳам раво қўради.

Шавкат МНРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Айниқса, ҳалол меҳнати орқасидан жамгаран маблағини қариндош-уруғлари, маҳалладош ёки юрдошнинг оғирини енгил қилиш учун ҳолис ният билан ҳада этган, меҳр-оқибатли, инсоф-диёнати ва жоқуяр инсонларга Яратгanning ўзи ажру муқофотини беради, албатта.

Ана шундай олижаноб юрдошларимизнинг сатъ-ҳаракатлари туфайли мамлакатимизда ташкил этилган “Саховат ва қўмақ” умумхалқ характери бугунги кунда том маънода қудратли қучга айланди.

Ўтган қиска вақт давомида ушбу Ҳаракат доирасида амалга оширилган улкан ҳажмдаги хайрия тадбирлари ва меҳр-муруват амаллари ҳам шундан яққол далолат беради.

Ана шу эзгу ишларимизнинг мангикий давоми сифатида ҳамда пандемия даврида доимий даромад манбаига эга бўлмаган, кам таъминланган, ёрдам ва қўмакка муҳтож аҳоли қатламларини ва оилаларни ҳамда иқтисодиётнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада қучайтириш мақсадида аввал ажратилган 10 триллион сўм маблағга қўшимча равишда бугун мен имзолаган Фармонга мувофиқ, республика бюджетидан яна қарий 2,5 триллион сўм маблағ йўналтириш белгиланди.

Шу билан бирга, жамиятимизда тинчлик, дўстлик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик ғояларини кенг тарғиб этиб келаётган диний соҳада хизмат қилаётган вакилларни моддий рағбатлантириш ҳамда жойларда хайру саховат, муруват борасида амалга ошириладиган ишларни, жаҳолатга қарши – маърифат руҳидаги кенг қамровли тадбирларни янги босқичга қўтариш учун Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузуридаги “Вақф” хайрия жамоат фондига 150 миллиард сўм маблағ ажратилди. Азиз юрдошлар!

Биз орзу-ниятларни пок ва улуг халқимиз. Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ҳазратларининг: **“Муроди кўпнинг Ҳаққа итоғи ҳам кўп бўлади”**, деган сўзларида теран маъно мужассам.

Ер юзига Аллоҳнинг раҳмати ёғилиб турган ушбу саодатли айёмда дунёнинг олис-яқин мамлакатларидаги барча мўмин-мусулмон биродарларимизни, хорийқий дўст ва ҳамкорларимизни ҳам Қурбон хайити билан қизгин табриқлаб, уларга мустақкам тинчлик, бардавом тараққиёт тилайман.

Сиз, азиз ва муҳтарам ватандошларимизни Қурбон хайити билан яна бир бор чин қалбимдан муборакбод этаман.

Барча пок ниятларимиз ижобат бўлишини, Яратгanning ўзи юртимизни турли бало-қазолардан асрашини, бирдамлик, дўстлик ва аҳиллик туйғуларимиз янада зиёда бўлишини сўраб қоламан.

Жонажон Ватанимиз, хонадонларимиздан тинчлик-осойишталик, файзу барака ҳеч қачон аримасин!

Эзгу интилиш ва ишларимизда Аллоҳ таоло хамиша мадақдор бўлсин!

Шавкат МНРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Адиблар хийбони – маърифати бўстони



ОЙБЕКНИНГ ЖУФТ ҚАНОТИ

“Адиблар хийбони”дан жой олган чин маънодаги улкан ижодкорлардан бири Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекдир.

Ижодкорнинг (умуман, ҳар қандай инсоннинг!) баланд-баланд парвоз қилиши учун икки қаноти бўлиши керак. Бўлиши шарт! Улардан бири унинг инсонийлиги бўлса, иккинчиси эса, танлаган касбининг чин маънодаги устаси бўлиб етиши-моғидир. Ойбек бунинг урдасидан чиққан инсон-ижодкор эди. Унинг икки қаноти ҳам бақувват, соғлом эди. Шунинг учун ҳам унинг инсонийлиги ижодкорлигидан, ижодкорлиги эса инсонийлигидан баланд туради.

Ойбек – серкира ижодкор. Аммо уни кўпчилик асосан ёзувчи ўлароқ билади. Аслида, шоирлиги ҳам чунон юксакки, назаримда, символизм бобода ундан ҳали кўп ва ҳўп сабоқ олсак арзийди.

Аристотель “Поэтика”си шунни кўрсатадики, ўша даврлардаёқ санъат жуда нозик тушунилиб тасниб ва талқин этилган. Бирок у пайтда асосан суратнинг зоҳирий ҳаракати, унинг ўхшашини яратиш (мимесис) марказий ўринда турган бўлса, XX асрга келиб, эътибор инсоннинг ботиний олами, яъни кўнгли томон сурилди. Аслида, суратдан сийратта томон ҳаракат бир-иккита санъаткор ё олимнинг эмас, балки башарият фитратидagi яширин, лекин хамиша ўзини намоён этишга уриниб боровчи моҳиятнинг иши. Албатта, шахсларнинг алоҳида хизматлари доимо алоҳида эътирофда бўлмоғи лозим.

Лекин адабиёт тарихига назар ташласак, даврлар ўзгариб тургани каби адабиётнинг нуқтан назари ҳам бир жойда қотиб қолмаганлигининг, гоҳ сурат, гоҳ сийрат унинг тадқиқ объектига айланганининг гувоҳи бўламиз. Ўзбек шоири Ойбек ижодини кузатганимизда ҳам ана шу икки ҳолга дуч келамиз. Улардан бири инсон танаси ҳаракатини, унинг жисмонан фаол ҳолатини (ижтимоий фаолликни) кузатиш эса, иккинчиси “қононот гултожи”нинг

кўнгли ҳолини (руҳий-маънавий фаолликни) акс эттиришидир. Нафақат Ойбек, балки унинг бутун авлоди зиммасига ана шундай яшаш ва ёшиш қисмати тушди: эсанг, “Қурашди икки тўлқин”.

Биз чинакам адабиёт (санъатни!) уни яратувчи руҳни қафасдан бўшалишини кутаётган қўш тимсолида қабул этаемиз. Қўш қафасни, демакки, ҳар қандай қолипларни парчалашга тайёр. Энди унинг рўпарасида сано – поёни йўқ дунё, ҳисобсиз кашфиётлар, имкониятлар тўлқини... Айни пайтда, қайд этишимиз зарурки, само деганимиз кўзи кўрадиган ҳар бир киши қабоқларини очган заҳоти шундоқ тепасида ёйилиб ётган бўшлиқ бўлмай, қалбдир, инсоннинг ботиний осмонидир. XX аср адабиёти (жумладан, шеърини), таъбир жоиз эса, ана шу осмонни соғинган қўш.

“Далиллар тугаган жойда адабиёт бошланади”, дейди Достоевский. XX аср шеърини хусусиятидан бири шуки, у қўл билан ушлаш мумкин бўлган аниқликдан қочиб, мавҳумликка интилади (албатта, ҳар доим ҳам эмас, зеро, шеъринг серкирадир). “Кўзларини иккита марвариддек ёниб, дард чекиб, дераза ёнида паршон ва гариб ўтирган қўшча” (Рауф Парфи) каби атрофни билишга, англашга интилади ўзининг – кўнглининг

истагини, дардини билмайди, билолмайди. Лекин айнан шу ҳолни изҳор этаркан, ўзини-ўзи даволайди. Яъни Қуръони каримда сўз – шифо, дейилганидек, шоир дардидан отилиб чиқаётган сўзлар билан ўз жароҳатига малҳам қўяди. Мавҳумликнинг қаромати – шу. Айни дамда, мавҳум олам рамзларга кўчирилади ҳамда тафаккур ва кўнгли мақомида у билан мулоқотга киришилади.

Бу – поэзия табиатида бир назар, ҳолос. Зеро, у талқинларга бунчалик осон таслим бўлмайди, яъни шеъринг симоб янглиғ доимий ҳаракатда. Уни қафтга олиб тадқиқ этишини, у ҳақда тугал хўлсалар чиқаришини истамак — хом ҳаёл. Шеъринг тўғрисида айтилган ҳар бир фикр, ҳатто бу ишга бағишланган бутун-бутун умрлар ҳам уни тутиб олиш учун қўйилган тузоқлардан ўзга нарса эмас. Таҳлилчи уни қўлга қиритишни шу қадар истаидики, ниҳоят, тузоққа илинган ҳар қандай ўлжани “шеъринг” деб аташга тайёр яшайди. Мабодо, янада чуқурлашадиган бўлса, ўзи қўйган тузоққа ўзини отишдан бошқа чораси қолмайди унинг. Чинакам шеърингнинг мағзи унинг кўнгли иши эканлигида. Кўнгли иши эса хамиша ҳам биз тушунадиган муайян қонуниятлар асосида рўй бермайди. Яъни у инсоннинг инон-ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳур олам. Башарнинг ҳар қандай қафасни парчалаб, овоз ҳаётга бўлган интилиши ажаб эмаски, ана шу олам хайкиригининг акс садоси бўлса! Бунга Ойбек ижоди яққол мисол бўла олади. Ахир, унинг шеърларидан таркиб тонган икки жилдди олиб ўрганиб кўринг: ҳукмрон мафкурага бағишланган юзлаб шеърларнинг замони ўтганини дарров англайсиз. Фақат шоир кўнглининг изҳори бўлиб қоғозга тушган ўнлаб шеърлари эса юрагингизга жиз этиб тегади.

Дунёда ҳар бир нарсанинг ўзаги, мағзи бўлади. Инсоният моҳиятини унинг яратувчанлиги, мустақкам иродаси, дину диёнати, бошқаларга ҳолис ёрдамга келиши, бошига офат-ғам тушиганида ҳамдардлик билдириши, шодлигига шерик бўлиши, меҳр-оқибати, оддий қилиб айтганда, эъзал маънавий олами таиқил этади.

ЎЗЛИГИМИЗ БАЁНИ

Ушбу маънавий олам эса латиф сўз, яъни она тили орқали баён этилади. Шу маънода, биз – ўзбек халқи бу борада дунё ҳамжамиятида бахтли, тилининг келажоги бор миллатлардан саналамиз.

Шу билан бирга, бугунги глобаллашув, техника тараққиёти шунчалик жадал ривож топмоқдаки, оқибатда дунёда мавжуд (статистик маълумотларга қараганда, тахминан етти мингдан зиёд) тиллардан аксарияти бир-бирига қўшилиб,

бирикиб, ёки бўлмаса, аста-секин йўқ бўлиб кетиш арафасида турибди.

Маълумот учун:
Дунёдаги етти мингдан зиёд тиллардан 14 тасида башариятнинг учдан икки қисми гаплашади. Бу тилларнинг ҳар бирида сўзлашадиганлар сони эса 50 миллиондан зиёд. Дунёдаги 70 тилда гаплашадиганлар 5 миллиондан кўп бўлса, қолган тилларда мулоқот қиладиганлар 1 миллиондан кам.

Ваҳоланки, ЮНЕСКО томонидан эълон қилинган “Йўқолиш арафасида турган дунё тилларининг атласи”да таъкидланишича, Европадаги 50 та, Тинч океани худудидаги 2000 та, Африка қитъасидаги 250 та тил ҳалокат арафасида турибди. Асримиз охирига бориб, ҳозирда мавжуд бўлган тилларнинг тенг ярми йўқолиб кетиши мумкинлиги тахмин қилинмоқда. Бундай вазият эса, ўз навбатида, биз – ўзбеклар ва ўзбек тилида сўзлашадиган инсонлар зиммасига залворли вазифаларни юклаши тайин.

ХАЗИНА ИЧИДАГИ ХАЗИНА

Университетга ўқишга кириб, курсдошларимиз билан таниша бошлаганимизда бизни илк ҳайратга солгани шевалар бўлган. Аввалига турли вилоятлардаги дўстларимизнинг ўзига хос талаффузи галати туюлган. Секин-аста бухоролик Рўзибийнинг ҳар икки гапнинг бирида айтадиган “иби”сига, ўйлик Ҳабибанинг “аиши”сига, хоразмлик Дилбарнинг “ҳовва”сига, улар ҳам бизнинг “боропти, келопти, боддим, келлим”имизга ургандик. Бир-биримиздан сўраб, айрим нарса ва буюмлар номланишидаги фарқларни билиб олдик. Фақат дўстларимиз бизнинг “га” билан “да”ни

аралаштириб юборишимизга кўникишолмас, таътилдан Тошкентга қайтганимизда айримлари жўрттага: “Нима билан келдинглар?” деб сўрта; “Поездга келдик”, десак қулиб: “Поездга келган бўлсаларинг, кўтариб кетасизларми ё судраб?” дейишарди ҳазил аралаш. Дарвоқе, биз – китобликлар оғзаки нутқда жўналиши келишиги “га”ни ўрин-пайт келишиги “да” ўрнида ишлатардик. Бунинг нотўғри эканини билсак-да, беихтиёр шу хатоза йўл қўярдик ва баъзан домларимиздан ҳам даққи эшитардик.

ОЙБЕКНИНГ ЖУФТ ҚАНОТИ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Ҳа, Ойбек шеърини юксак символистик поэзиянинг гўзал намунаси бўлиб, унинг “Онлар”, “Қиш тонгида”, “Сен гурубининг олтин қўлларидасан”, “Шамол, бир эртак ўки!”, “Юлдузлар чаман-чаман”, “Юрамен, тошди севинчим” каби шеърлари бунга ёрқин мисол бўла олади. У бир шеърда:

Учир ер тишлади бир гала япроқ...
Сасида кўёшини, бахорнинг ёди...

Ҳа, Ойбек шеърини юксак символистик поэзиянинг гўзал намунаси бўлиб, унинг “Онлар”, “Қиш тонгида”, “Сен гурубининг олтин қўлларидасан”, “Шамол, бир эртак ўки!”, “Юлдузлар чаман-чаман”, “Юрамен, тошди севинчим” каби шеърлари бунга ёрқин мисол бўла олади. У бир шеърда:

Учир ер тишлади бир гала япроқ...
Сасида кўёшини, бахорнинг ёди...

Шоир юқоридаги икки мисрага одамзот қисматини жо қила олганини унинг ўзи ҳам сезмаган бўлса, ажабмас. Чунки бу – шоир илҳомининг иши. Зеро, савкитабий ўз табиатида биоан хамиша номаълум оламларни кашф этади. Хуллас, юқоридаги икки мисра шеър рамзий бўлиб, ўзида кўплаб маъно катламларини яшириб турибди. Шулардан биринчиси ва эҳтимолки, шоир назарда тутган маъно – ўша манзара: куз ва унда кечаётган табиий жараён – дарахт барглари тўкилишининг жонланганлигини кўриши. Инток санъати орқали чизилган ушбу манзара айти чогда тугилишдан гайришуурий тарзда символистик моҳият касб этган:

Учир ер тишлади бир гала япроқ...
Сасида кўёшини, бахорнинг ёди...

Бу ерда япроқ — бани одам. У қачондир баҳорда кўёшини кўрган, нурларини гўдак янглиг эмган. Энди эса, япроқ ерда. Энди уни кўёш ҳам, баҳор ҳам кучмайди. Балки япроқнинг ўзи кўёш ва баҳор ёдини маҳкам кучоклаб олган. Чунки унинг бисотида элас-элас жимирлаётган ана шу хотирадан бошқа ҳеч вако йўқ. Мантқан олганда, ҳатто хотира (ёди) ҳам унутилишга маҳкум. Ахир, у кечаётган вужуд – япроқ ўз бандидан жудо бўлган-да. Башар қисматини фожеага

тенглаштириш ва келажигида “киёмат”нинг муқаррарлиги тўғрисидаги қарашларни эсланг. Бирок инсоният ўз ожизлигини билган тақдирда ҳам табиатан офатни қўл қовуштириб кутиб ололмади. Унинг сара фарзандлари эса бутун борлиги билан САСТА айландилар. Бу сасда “кўёш ва баҳорнинг ёди” яшайди...” Демак, ушбу икки мисрага шоир инсоннинг ич-ичидан оқиб чиқадиган ёруғ умидни жойлаган.

Хар лаҳзада ялтироқ шаҳардан воз кечиб, дала-туз бағрига кетиш кайфиятида яшаман киши шеър ёзиш қасдида қўлига қалам олмасин. Зеро, шоирлик – тинимсиз равишда табиатга кайтишлик. Яъни ижтимоий шоир зиммасига ҳам талай муаммоларни, турли қонун-қоидалар захматно одоб-ахлоқ ташвишларини юклайди. Бирок у жазавага тушаркан (шеър ёзаркан), илк бор эгар урилган асов от сингари кўкка сапчийди, гарданида гашига тегаётган нимадандир қутулмоқчи бўлади. Шоир айнан шу лаҳзалардагина шоирдир. Унинг асл ҳаёти ҳам, фоний оламдаги қувончи ҳам шу пайтда кецади:

**Орқандан йиғлаб қолдим,
Кўксимни тиглаб қолдим,
Қиз, дарёдан ошарсан,
Билмам, қайда яшарсан,
Орқандан йиғлаб қолдим...**

Илҳом оналарида шоир жисми ва у билан боғлиқ оламни унутди, ёдида қолган борлиги эса ажиб бир туйғуга – мусикага айланади. Шеър мазкур оҳангининг, яъни сийратнинг нуқсонли сурати, ҳоло. Уни ўқши эмас, гўзал бир мусика янглиг эшитиш, ҳис қилиш... лозим. Йўқса,

**Денгиз, тоғлар ошайлик,
Чўпон каби яшайлик.
Бирга олиб кет мени –**

деган мисраларни ўқиб, шоир ҳақиқатан ҳам бир жонон билан чўпон каби тоғлар бағрида айш сурмоқчи деб биламиз. Аслида-чи? Аслида шоир ҳеч қачон бунга рози бўлмади. Унинг мақсади айнан шундай ҳаётдан – қўл билан ушлаш, бадан орқали туйиш мумкин бўлган воқелиқдан, лаззатдан қочиб. Йўқса, у қизнинг қасрида, қайси манзилда яшашини аллақачон билиб оларди.

**Қиз дарёдан ошарсан,
Билмам, қайда яшарсан...
Сир аралаш ҳаётинг...
Сўйла қаён борсан?**

дея-дея, шоирнинг ўзи йўлга тушади, ҳаётини ҳаёлотда синаб кўрмоқ истади. Сирлар дунёси сари интилади, баъзан ҳатто парвоз қилади. Эҳтимол, у узок учолмас, қанотлари синар, ожизлигини англаб... Бирок муҳими — бу эмас, муҳими – қафасни ёриб чиққан куш (рух) парвозининг илк шиддатиди:

**Тухимда кўрдим сени,
Бирга олиб кет мени.**

Шоирлик ҳам худди шу ондан бошланиб то қанотлар қайрилгунга қадар давом этади. Яъни у – шудринг умрининг юздан бирча келар-келмас фурсат. Илҳом фурсати...

Яхши шеър гурборли ер юзини ювиб, тоза-лаб турғувчи ёмғирга – раҳматга ўхшайди. Ундан баҳра ола билган инсон қалби ёмғир ювган оламдек тиниклашади. Ботиндаги кўёш чиқиб билан эса, у ўз кўнгли қамалгани томоша қилиши мумкин. Шеърни шу тариқа тушунар ва таҳлил этарканмиз, шууримизга беихтиёр шоир ўз кўнгли билан қандайдир ўйин ўйнаётгандек туюлмаётгани, деган саволмуз хайрат қуюлади.

Қисқаси, Ойбекнинг кўнгли лирикасида камалакнинг барча ранглари муҷассам. Шунинг учун ҳам Ойбек шеърини таҳлил ижтимоий асос қанча залворли бўлса, кўнгли изҳорлари ҳам шунча вазмин юк босади. Буни шоирнинг йиғирма жилди “Мукамал асарлар тўплами”нинг биринчи ва иккинчи жилдларини ва рақлаб чиққанингиздаёқ теран англаб оласиз. Албатта, Ойбек ижодкор сифатида адабиёт олами қадим қўйганда давр бошқа эди. Шу боис ҳам, у асосан ҳукмрон мафкура талаб қилган мавзуларда, талаб қилинган йўсинда ижод қилди. Лекин, барибир, шоирдан шундай шеърлар қолдики, улар ўз вақтида ҳам, бугун ҳам кўзларга суртиб ўқилади, ўқилмоқда. “Наъматак” шеърини олинг. Бу – жаҳон поэзиясининг энг саралари қаторида тура оладиган ва уларнинг ҳеч биридан ҳеч бир қисқарта асло қолишмай-диган юксак шеърят намунаси. Ҳа, Ойбекнинг “Наъматак”, “Ўзбекистон”, “Орқандан йиғлаб қолдим” каби шеърлари нафақат шоирнинг, айти пайтда, XX аср ўзбек шеърятининг ҳам чинакам ютуғидир.

Улғубек ХАМДАМОВ,
филология фанлари доктори

ХАЗИНА ИЧИДАГИ ХАЗИНА

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Шевалар улкан бир уммонки, унга шўнғинган сайин сиру синоати очилаверади. Ўзбекона сўзу иборалар, қочиримлар жонланади, она тилимизнинг ўзига хос жозибаси “мана, мен” деб кўринади. Шева сўзларимизнинг қай бири аллақачон адабий тилимизга кириб, изоҳли лугатлардан ўрин олган бўлса, қай бири хозирча фақат жонли мулоқотда яшаб юрибди. Шевалар билан боғлиқ ҳангомалар, ҳазил-мутойбалар ҳақида гапирмасам ҳам бўлади.

Ҳозир билмадиму биз ўқиган пайтлар ҳар йили филология факультети талабалари 2-курсдан сўнг халқ оғзаки ижоди ва шевашунослик бўйича бирор вилоятда амалиёт ўташарди. Биз Қирғизистоннинг Ўш шаҳрига бориб, одамлар билан суҳбатлашганимиз, халқ оғзаки ижоди намуналарини тўплаб, шеваларини ўрганганимиз кеча-қандайдир эсимда. 1975 йили эса университет талабалари Китоб туманида худди шундай амалиётда бўлишган.

Маълумотларга қараганда, дунёдаги 50 миллионга яқин киши ўзбек тилида гаплашади. Адабий тилимизга озука бериб турувчи ранг-баранг шеваларимиз билан бирга тилимизнинг улкан тарихи ҳам борки, бу ўтмишнинг бутун жозибаси мумтоз адабиётимизда, жумладан, Алишер Навоий асарларида намоён бўлган. Бугун биз Навоий асарларини лугатлар ёрдамида ўрганганимиз тилимизнинг қотиб қолмай, хамиша тараккий этгани, таркибига янги-янги сўзлар кириб келгани, қайси бир сўзларнинг истеъмолдан тушиб қолгани натижаси ҳамдир.

Четдан кириб келган сўзларни халқ жонли тилида ўзига, талаффузига мослаб олади. Шунинг учун ота-оналаримиз автобусни – аптабус, тракторни – тирактер, стулни – устал, велосипедни – валсапит тарзида талаффуз қилишган.

Яқинда тажриба тариқасида Китоб туманида маҳаллий шевани ўрганиш тадбирини ташкил қилдик. Танловда асосий эътибор товуш ўзгаришларига эмас, лексик қатламга қаратилди. Тақдим этилаётган сўзларнинг “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”га киритилмаган бўлиши талаб қилинди.

Уч босқичда давом этган танловда фақат она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари эмас, балки бошқа кўплаб кизикувчилар ҳам иштирок этишди. От сўз туркумига оид **болгондор** (сандик қўйиб, кўрпа йиғишга мўлжалланган маҳсус жой), **ғанак** (ипак қурти баргини еб битирган тут новдаси), **дўқкути** (бессўнақай идиш), **алқунни** (совун қолдиги), **дўхта** (пахта терадиган этак), **измак** (жияк), **капчабел**, **шоха** (иш қуроли), **қўнарғи** (қатик ивигиш учун сутга солинадиган қатик), **пужжа** (имконият), **пудина** (ялпиз), **пўммик** (ғунча), **қўрамта** (чала ўчган чўғ), **ангтор** (экин экилган дала), **дўқирма** (бузилган пилла), **завда** (қуритилган райхон, шивит, ялпиз қуқуни), **тайсанги** (тош бостириб ўстирилган равоч); сифат туркумига оид **нимкала** (нари-бери), **нимхал** (оч ранг), **топиликсиз** (анқонинг уруги, ноёб (аксарият кесатик маъносига), **шат-шат** (тез-тез), **қалла-хуш** (боши чарчаган, дам олмаган), **ножарам** (кучсиз), **типок** (аҳил), **ҳапалак** (саёз), **тирик** (озгин); феъл туркумига оид **даримок** (яқинлашмоқ), **гилпи қилмоқ** (қўрпанинг авра-астарини қўшиб тикмоқ), **ҳалламоқ** (сакрамоқ), **жағирмоқ** (жаҳл билан гапирмоқ), **идрамоқ** (чиримок), **гоқ қилмоқ** (аҳмоқ қилмоқ), **чаннамоқ** (какрамоқ), **пуш ташламоқ** (ноннинг тандирдан пишмай узилиб тушиши) ва бошқа кўплаб сўзлар бор.

Сўзлар орасида ранг-тусни билдирувчи **бика** (пушти), **тўтаки** (мовий), **нилови** (оч яшил), **шол** (оч қизил), **зайнави** (яшил); кийим-кечакка оид **гуппича** (пахтали нимча), **пешнават** (момолар ўрайдиган рўмол), **жилон** (пайпоқ), **қўлжилон** (қўлпайпоқ), **биррижа** (сатиндан тикилган иштон); уй ҳайвонлари ва бошқа жонзотларга оид **инак** (сигир), **гўсала** (бузоқ), **ханги** (эшакнинг эрқаги), **илончак** (чувалчанг), **шахшакса** (зағизгон), **ғызак** (битнинг боласи); озиқ-овқатга оид **буррак** (пиёзли сомса), **бойимжон** (бақлажон), **қад пичак** (қовоқ сомса), **лаҳчатўппа** (шилпилдоқ), **сулдук ош**

(сутли таом); одамлар феъл-атвориға хос **жовпазак** (шошқалок), **дадарвоқи** (тарбияси, тартибисиз, дайди), **пўлки** (хомсемиз, қўлидан иш келмаган), **шўрапуруш** (жанжалқаш), **дидашах** (қайсар, ўжар), **ҳўққи** (қўпол), **лаппух** (секин ҳаракат қилувчи), **пўрриқ** (қўлидан иш келмайдиган) ва бошқа сўзлар талайгина.

Шу тариқа мингдан ортиқ шева сўзлар орасидан шартимиз талабига мос, изоҳли лугатга киритилмаган 300 дан ортиқ лексик бирликни ажратиб олдик. Булар бир туман шевасидаги айрим сўзлар, ҳоло. Ҳали элимиз бисотида сўз бойлиги ниҳоятда қўп, фақат уларни тўплаш, умумлаштириш, таққослаш, қиссий ўрганиш лозим бўлади. Назаримда, республикамиз бўйича шева сўзларни оммавий тўплаш ойлги ўтказилса, минглаб янги сўзлар кашф этилар эди. Уларни қиссий ўрганиш, таққослаш эса лексик бирликларнинг қўлланиш доирасини ҳам аниқлаб беради. Масалан, Китоб туманида ялпизни пудина дейишади. Жиззахнинг айрим худудлари ва Нурота туманида ҳам шундай экан. Ёки Китоб шевасидаги лойшанг сўзи Шаҳрисабз шевасида ҳам бор. Моҳинисо Камоловнинг қуйидаги шеърига эътибор беринг:

**...Лойшанг қўча. Илон изи йўл...
Ортга қараб боргим келяпти.
Қадоқ босган ва сертомон қўл,
...Мен уларни кўргим келяпти.
Симкаравот тагидан оққан,
Ариқчага айтгим келар сир.
Укам каби ҳаёлчан боққан
Тераклар ҳам қўнғилмайди дилгир.**

Изоҳли лугатимизда қаравот деган сўз бор, аммо симкаравот киритилмаган. Китоб шевасида темирдан ясалган қаравотга нисбатан ишлатилади. Юқоридаги шеърдан шу сўз ҳам ўрин олган.

Танловга сўз бирикмалари, иборалар ва халқ ўқичларидан ҳам юборишган. **Юраги иккита** (қўркмас), **етмаганига енг бўлди** (ёрдамлашди), **мысининг тарки очилди** (тушунди), **қўли қуруқ** (баракасиз), **чылласида чироқ кўрмаган** (очқўз), **томдан қучук қарагандай** (ярашмаган), **қўзи ўйилди** (панд еди), **қуракка либос** (қўримсиз кишига либоснинг ярашиши) каби ва бошқа кўплаб сўз бирикмалари, иборалар тилимизнинг ўзига хос назик жихатларини кўрсатиб турибди.

Тўпланган шева сўзларнинг бир қисмини Китоб тумани ҳокимлиги матбуот хизматининг “Фейсбук”даги саҳифаси орқали эълон қилганимизда китоблик шоира Гулбаҳор Жумаева “Олмининг тагига олма тушди” деган сатирик шеър ёзибди:

**Ангторга кир, экинлади сугор, болам,
Кўча-пўчайни йиғиштир, ўлай сангта.
Аммурни оч, экин-тиқин
чаннаб кеткан,
Ман тандирга буррак самса
қилай сангта.**

**Бика белқасийни байла, белинг тутар,
Бойимжонни босип ома, тузук сугор.
Белгистайди ечиб келай,
бир бениним
Гувалакка тўлдиринти ошиб девол.**

**Гуппичамни қияй, ўлсин бу ваража,
Билмаёмман, гаттак мазам қочобти.
Уф, томорқага сув келиш қийин бўлди,
Қайси дидашах йўллан сувди очопти...**

Шеър анчагина қатга бўлиб, ичувчи эр, рўзгор бутлиги деб яшаётган аёл ва тўполончи бола ҳақида...

Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтини, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг олим ва мутахассислари шеваларимизни ўрганиш мақсадида экспедицияларни мунтазам ўтказиб туришса, ўзбек тилининг лугат бойлигини доимий равишда янги сўзлар билан бойитиб бориш имконияти туғиларди. Бунда маҳаллий ҳокимликлардаги давлат тили бўйича маслаҳатчиларнинг амалий кўмагига таяниш мумкин.

Лола ЎРОҚОВА,
Қашқадарё вилояти Китоб тумани
ҳокими маслаҳатчиси

ЎЗЛИГИМИЗ БАЁНИ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

ДАВЛАТ ТИЛИГА ЭЪТИБОР – ДАВЛАТ СИЁСАТИ ДАРАЖАСИДА

Тан олиб айтиш керак, бугун она тилимизга ва унинг мавқеини ошириш масалаларига эътибор кучайган. Ўзбекистон ҳуқуқати томонидан олиб борилаётган сиёсат бунга амалда кўрсатмоқда. Шахсан, давлатимиз раҳбарининг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, “Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида”ги қонун ва бошқа қатор меъёрий ҳужжатлар асосида юртимизда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мавқеини мустаҳкамлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда, албатта, ижро механизми алоҳида ўрин тутди. Шу маънода, барча вазирликлар, давлат ва жамоат ташкилотларида раҳбар ўринбосари мақомига тенглаштирилган маслаҳатчи лавозимининг ташкил этилиши давлат тилини ривожлантириш, унинг истикболларини белгилашда муҳим ўрин тутди. Хусусан, она тилимизнинг мавқеини мустаҳкамлаш, илмий асосланган янги сўз ва атамаларни қундулик сўзлашувимизга киритиш, замонавий атамаларнинг ўзбекона муқобилларини яратиш ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш, илмий-тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш, халқаро ҳамкорликни амалга ошириш ҳамда бу борадаги фаолиятни мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси иктисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигида ҳам мазкур йўналишда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, вазирлигимизда 2020 йилнинг иккинчи ярмида маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига рноя этилишини таъминлаш

борасида амалга оширилмаган комплекс чора-тадбирлар бўйича дастур ишлаб чиқилди.

Дастурда келтирилган бандларнинг амалга оширилиши бугунги пандемия шароитидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, қарийб барча тадбирларини онлайн тарзда ўтказиш кўзда тутилган. Шунингдек, вазирлик ва унинг тизимида тўлиқ давлат тилида иш юритилиши, бошқа идоралар ва ташкилотлар билан ўзаро ёзишмалар эса, айнан давлат тилида олиб борилишига асосий ургу берилган.

Бундан ташқари, вазирликнинг

ИҚТИСОДИЙ СОҲА МУТАХАССИСЛАРИГА ТАКЛИФ

Ҳозирда аксарият оммавий ахборот воситаларида айрим иктисодий терминлар турлича баён этилмоқда. Мисол учун, “бозор иктисодиёти” ва “бозор иктисоди” атамаларини олайлик. Ушбу истилоҳлар баъзан “бозор иктисодиёти”, баъзан эса “бозор иктисоди” деб ёзилмоқда. Бу, ўз навбатида, иктисодий тушунчалар моҳиятини англашда янглишишларга ёки тушунчаларни ноўрин қўллашга сабаб бўлаётир.

Дарвоқе, ҳозирда сўзлашувларимизда тобора урф бўлиб бораётган “Рақамли иктисодиёт” термини билан “Рақамли иктисоди” атамаси ўртасидаги тафовут ҳам худди шундай.

Биз, аввало, ўзимиз, яъни шу масалага мутасаддилар, она тилимиз қонун-қоидаларини пухта ўзлаштирсак ва ўзбек тилимизнинг қон томиримиздек бизга яқинлигини теран англаш, бу тилини бошқалар ҳам хурмат қила бошлайди, бу тилини билишга кизикадиганлар кўпаяди. Шундагина аста-секин тилимиз мавқеи бошқа миллат ва элатлар назарида ҳам ортиб боради.

Шу ўринда бир гап. Бугун кўпгина интернет тармоқларида корейс, япон, хитой, немис, француз миллатига мансуб ёшларнинг ўзбек тилини билишга бўлган иштиқини

қўриб, қандайдир ички руҳий таскинлик ҳам сезасан, киши. Ростданам-да, қаранг, уларнинг гўзал талаффузини, чиройли гапирлишларини, фикрини теран баёи қилишларини...

Ҳа, дунё Ўзбекистон ва ўзбеклар томон интилишини бошлади. Биз ўзбеклар, шунчаки халқ эмас, балки кўп миң йиллик тристик синиовидан ўтган, тили, маданияти, санъати асрлар оша сайқалланган ва бошқаларга ибрат бўла оладиган бунёдкор халқ сифатида бундай буюк ташрифни муносиб кутиб олмаганимиз лозим.

Обиддин МАХМУДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Иктисодий тараққиёт ва
камбағалликни қисқартириш
вазирлиги маслаҳатчиси

расмий сайтда жойлаштирилаётган материаллар, вазирлик тизимидаги Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институтини ҳузурида ташкил этилган “Иктисодиёт: таҳлиллар ва прогнозлар” журналида берилаётган таҳлилий мақолалар ҳам бир сира кўздан кечирилиб, зарур ҳолларда таҳрир қилиниб, тузатилиб чоп этилмоқда. Шунингдек, юқоридаги дастурга биноан, расмий сайтимизда маҳсус “Тил – миллат қўзғуси” ҳамда “Кун ҳикмати” руқияларини очиб ва унда она тилимиз равнакига бағишланган ҳамда маънавий-маърифий йўналишдаги кизкарли ва фойдали материал ва ахборотларни жойлаштириб бориш ҳам назарда тутилган.



ҲАК САККИЗ МИНГ ОЛАМ ИЧРА...

Исмоил Махмуд МАРФИЛОНИЙ



Бўлса гар имконингиз беморга эхсон айлангиз, Нотавон ҳам норасо афғорга эхсон айлангиз.

Кўз очарман дарди хажрингда, кўнгил бедор эрур, Ботиним ҳам зоҳиримни хур фиолинг тортадир.

Махмудо, Ҳакдан саодат истасанг икки жаҳон, Ота-онанг азмини ҳам дам ижобат айлагил.

Гул юзига тушди шабнам, ёзди барг Ҳақ нуридан, Сизга муҳтож турган ул бедорга эхсон айлангиз.

Демадим ўткнчи хеч, сенсан ҳилолим безавол, Кўнглима хар дамда мархам ҳуш каломинг тортадир.

Яхши одамдан ҳамиша, эй ўғил, ибрат топинг, Хизматин айлаб бажо Сиз азминдан ҳикмат топинг.

Берди Ҳақ сизга илм, бойлик, мақомат, бу синов – Ҳикматин англаб яқин ночорга эхсон айлангиз.

Мен эмас бир, вах, сени севгувчилар бисёрдир, Лек мени мажзуб ҳолим ичра ҳолинг тортадир.

Чиқмагай харгиз ёмонлик яхши одамдан азал, Ўрганиб одобу илмин бебаҳо неъмат топинг.

Ҳақ берур берганга бисёр, илоҳнинг қудрати, Сиз ризолик бирлақим бекорга эхсон айлангиз.

Махмудинг дардинг аро чеккай азобинг туну кун, Икки олам, эй Нигор, қулни висолинг тортадир.

Ота-она, яхши устоз тўғри йўлга бошлагай, Сиз тутиб илгини маҳкам сийрату суврат топинг.

Хастадиллар талғати тургай Худого юзланиб, Ҳолидан айланг хабар, душворга эхсон айлангиз.

Ота-онангта муҳаббат бирла ҳиммат айлагил, Хизматига туну кун тинмай шижоат айлагил.

Умрингиз зийнатларидур яхши ҳамроҳ, яхши дўст, Сиз улар тафтида гоҳ-гоҳ рухга қуч-қувват топинг.

Икки олам неъмат эхсон – балони қайтарур, Даф эгинг келган балони, зорга эхсон айлангиз.

Жонфидо руҳи сани, бил, қўллагай хар ишдақим, Бу савоб иш бирла сен кўнглинг саломат айлагил.

Бўлса нодон суҳбатини, эй ўғил, тарк айлабон, Яхшиларнинг даврасида туну кун навбат топинг.

Ул Расул фазли билан сиз ўзини Махмуд айлабон, Ҳақ йўлин тутгучи ул хушёрга эхсон айлангиз.

Ота-онанг руҳи покнингнинг ҳамиша мехвари, Ёдини айлаб ҳамиша сен итлоат айлагил.

Ул лаъин макрига учманг, билмайин гафлат босиб, Марди майдонлар аро сиз ишқида журъат топинг.

Эй Нигор, хажринг аро ширин хаёлинг тортадир, Хар нафас, хар ерда чун оҳанрабоинг тортадир.

Ота-онанг рози бўлса, билки, Оллоҳ розидир, Розилик бирла туну кун чин ибодат айлагил.

Ҳақ таоло хар кадамда сизни махмуд айласин, Ул Куни ажрин олиб Сиз номаи нусрат топинг.

Борлик ичра кўрмадим сендек гўзални, эй санам, Телбараб, дилхастаман, сарви ниҳолинг тортадир.

Оналар пойида жаннат, дейдилар Ҳақ Мустафо, Пойига бошинг қўйиб хар дам зиёрат айлагил.

Ёд этиб хар дам санамини, эй кўнгул, хаддингда тур, Бехуда ўткарма дамни, эй кўнгул, хаддингда тур.

Ўн саккиз минг олам ичра севганим танҳо ўзинг, Бекиёс, бевитнасан, соҳир жамолинг тортадир.

Ота-онанг руҳи боқий, сўнмагай икки жаҳон, Тарбият фазли билан умринг хидоят айлагил.

Ишқи бирла Ҳақ азиз этди азал Инсонни, бил, Бузмағил харгиз рақамни, эй кўнгул, хаддингда тур.

Туроб НИЁЗ

СЕН ХАЁЛДА ЯШАЙСАН



ОНА
Агар лозим бўлса, сиз учун жоним Зарра ўйламандан берармидим мен? Бахтингиз йўлида орзу, армоним, Бир сўз демай, қурбон этармидим мен?

Сиз бемор бўлсангиз, ухламай тун-кун, Парвона бўлишга етгаймۇ ҳолим? Ҳада этармидим фақат сиз учун, Бу дунёда тонган йўғу борларим?

Олисга кетсангиз, кутармидим мен, Сөгичдан саргайиб, хавотир олиб?

Кайтмасангиз, йиғлаб ўтармидим мен, Шодлигу қувончлар бир четда қолиб?

Агар билиб-билмай қилсангиз хато, Ҳеч бир иккиланмай кечирармидим? Дилимга озорлар берсангиз, доғин Ҳеч кимга билдирмай ўчирармидим?

Туну кун соғлигу бахтингиз ўйлаб, Тилагу дуолар қилармидим мен? Ютуқларингизни фахр-ла сўйлаб, Чинакам бахтиёр бўлармидим мен?

Билмадим, билмадим, азиз онажон, Бу оғир саволлар қошида долман. Лек сизга буларнинг бариси осон, Мен сиздек ҳеч қачон бўла олмайман.

АСИЛЛИК
Самимий бўлайлик, очик бўлайлик, Сир-синоятлардан бўлайлик нари. Ёлгон эмас, чиндан ошик бўлайлик, Худди Мажнун каби, Лайли сингари.

Бошқача бўлишни истамайман, йўқ, Сохталик қалбни ҳам тамом қилади. Яшиллик дунёга бўлса чирой, кўрк, Асиллик инсонни одам қилади.

АЙТОЛМАЙСАН

Айтолмайсан дилда борини, Гапирасан бошқа сўзларни. Англамайди у ҳам дардингни, Ўқимок осонмас кўзларни.

Умр эса турмайди қараб, Ўтаверар сездирмай, секин... Балки бир кун етгайдир англаб, Ёшлик ўтиб бўлади, лекин.

ХАЁЛДА ЯШАЙСАН

Сен яшайсан, фақат хаёлда, Бирга бўлиш қилмади насиб. Ёндирасан хар тун оловда, Тушларимда бағринга босиб.

Эркалайсан сочларим силаб, Ловуллайдим бахдан кўзларинг. Мен ҳам сени кучиб, эркалаб, Бахт ҳақида бўлар сўзларим.

Уйғонаман – ёнимда йўқсан, Нахот бўлса ани бари туш?! Мен ўлимдан қанчалик кўрксам, Қўрқитади шунча уйғониш.

КЕТАР БЎЛСАНГ

Кетар бўлсанг, ором нима билмасман, Гамда қолгум, ҳеч бахтиёр бўлмасман, Кўз ёшларим дарё бўлур, қулмасман, Мухаббат бошига хижронлар етган.

Кетар бўлсанг, умид гули сўладир, Порламасдан ишк кўёши сўнадир, Юрагимга қузғун келиб қўнадир, Мухаббат бошига армонлар етган.

Кетар бўлсанг, авжга чиқар ёлгонлар, Болалайди миш-миш, гийбат – чаёнлар, Дилларимиз ўртар оҳу фиғонлар, Мухаббат бошига ёлгонлар етган.

Эхтиёт бўл, ёмонларнинг сўзидан, Тўғрилиқни эгри қўрар қўзидан, Юрма сира сен уларнинг изидан, Мухаббат бошига ёмонлар етган.

БИР КЎРИШДА

Гўё чакмоқ чакқандай бўлар, Омадлари чоғандай бўлар, Излаганим топгандай бўлар, Бир кўришда севиб қолганлар.

Сол назар, борлик муҳаббат ичра ёрин зикрида, Кетказар занги адамини, эй кўнгул, хаддингда тур.

Аҳли маъни умри хар дам, бил, риёзат ичраду, Беамал қутма қарамни, эй кўнгул, хаддингда тур.

Учма шайтон макрига харгизки хаддингдан кетиб, Васфидан узма қаламини, эй кўнгул, хаддингда тур.

Икки оламқим висол шавқи билан обод кўнги, Ёр деб қўйил қадамни, эй кўнгул, хаддингда тур.

Махмудо, хар лаҳза умринг изла дилдор васлини, Мосиво-чун чекма гамни, эй кўнгул, хаддингда тур.

Тугилгандай бўлар қайтадан, Шу пайтгача тинмай қийнаган, Саволларга жавоб айлагай, Бир кўришда севиб қолганлар.

Учган каби от – Гирқўқларда, Бошлари ҳам етгай кўқларга, Юз, кўзлари ёнар ўтлардай, Бир кўришда севиб қолганлар.

Бир умрлик ҳамроҳ топишар, Уни жон деб, ёр деб аташар, Ўша дамни алқаб ўтишар, Бир кўришда севиб қолганлар.

КЎҒИРЧОҚ

Кўғирчоқ инсондан буткул фарқ қилар, Бунинг сабабини бола ҳам билар.

Кўғирчоқнинг эрки йўқдир ўзида, Эргашади бировларнинг сўзига.

Барча гапга бошин эгиб, “хўп” дейди, “Йўқ” десалар, у ҳам албат “йўқ” дейди.

Ўз қараши, фикри бўлмас ҳеч қачон, Ҳеч нени ҳис қилмас, қийнамайди жон...

Чунки у инсонмас, кўғирчоқ ахир, Болалар қўлида ўйинчоқ ахир.

Тўлқин ҲАЙИТ



Нигора нозик қўлини ориқ кўксига босиб пичирлади:

– Биладан, дадаси, биладан! Мамажон ака яна кўкка боқди: – Мен буюк қушлик йўлини танладим! Энди адашсам, ҳалоқат!

Посбон яна чирт туширди: – Эй ака, гўрдан чиқиб, файласуф бўп кетибсиз! Ўзингиз бир оддий тирракторчи бўсангиз, олифталгингизга ўлайми?! Худо умрингизни қайтариб берганига шукр дея бола-чақанинг ёнига қайтсангиз бўлмайдимми?!

– Менимча, қўполлик илдизи илм-сизликка бориб тақалади. – Мени илмсиз деясизми?! Ўйлаб гапиринг, ака, мен хизматдан, посбонни ҳақорат қилганлари учун...

Мамажон ака қўлини паҳса қилди: – Хей, ука, шайтоннинг гапни ваёсаман, бор, йўлингдан қолма, мен Мамажоннинг арвоҳиман, холос! Бошингизга тушган иш пешонангизга ёзилган бўлади. Одамлар орасига қайтмоқчи эмасман, ука! Мен безганман улардан! Нигора, сени ва болаларни Худонинг паҳолига топширдим!

Ит ғингшиб улди. Овози аллақандай сеҳрли, жозибали, аммо гамгин эди. Нигоранинг юраги титраб, жигари эзилди. “Дадаси!” – деди зорланиб ва уятдан кизариб, титроқ кўллари билан юзини тўсди. Аммо қўллари олиб эри томонга қараганда, ғорнинг оғзи бўм-бўш эди: Мамажон ерга кирдим, осмонга учдим, билмай қолди.

Посбон чирт тушурганча: “Бўпти, ўзи билади!” – деди ва шерикларига “кетдик” дегандек ишора қилди. – Опа, юринг, кетдик, эрингизни чиндан ҳам томи кетиб қолганга ўхшайди, дўхтир юборарми! – деди ачинган овозда.

Нигора бўғриқиб деди: – Дадаси! Ичкаридан Мамажоннинг овози келди: – Ақл ожизлик қилган жойда вақт ёрдамга келади!

– Унақа деманг, дадаси, юринг уйга кетамиз, ўзим сизни олиб кетгани келдим! Ғор ичида бир нарса ерга тушиб, чил-чил синди:

Кенг осмонни хира булут босса, Нигорахоннинг ойдек чехрасига қора соя тушиб, руҳи ҳоргин тортади. Ўл-а колсин-а, бутун ҳам шу аҳвол: эрталабдан ҳовлининг юзи ҳам хира осмондан ранг олибди, ёзнинг ўнинчи куниди-я! Нон хиди фуриб турган қўлини паҳса қилиб, осмонга, қўроғоширанг булутларга қараб, эри Мамажонни эслаб, кўнгли ўқсиди. Тоғу тошда, кимсасиз арчазорлар орасида, горда яшагандан кўра қаттагина ховлисига қайтса, ҳаҳ савил-а, бир жойи қамайиб қолардимми?! Биронта одам: “Нигорахон, эринг бир йилдири, тоғдан бери келмайди, ёрдам берайликми”, демайди-я! Ўзи ҳам бир эмас, тўрт-беш борди, ялинди, ёлворди, изини ўнгудек бўлди, аммо аввалги Мамажондан “м” харфи ҳам қолмаган. “Нигор, сендан розиман, уйга борақол”, деди.

Бутун ҳам кўнглида илинж билан яна борапти, балки бу сафар гапга қўнар; ўртада болалари, норасидалари бор. Кўкишлоқда бош кўтариб юриши – бир азоб, “Эри уйдан безор бўлган экан-да” деган миш-мишлар – ўн азоб, болаларнинг “Отам қачон уйга келади?” деб хархаша қилиши – минг азоб. Тунов куни қариндош-уруғдан узилиб қолмай деб, олтимишга тўлган Аҳад тоғасининг юлтейига борди. Негадир оёғи тортаганда – ҳамма унга қарайди, денг: хотин-халаж, бола-чақа; ўқрайган кўзлар, кош-қовокли кишилар; уятдан ер ёрилмади, ерга кириб кетса! Қизарди, бўзарди, қулоқлари тошга айланди, азъойи бадани чўтдек кизиб, келинчақ пайтлар тиктирган “сафсар қўйлаги” жикка шўл бўлди. Бўлмаса, денг, эрталабдан бошланган афғон шамоли ҳамон эсар, кун иссиқ эмасди, лекин ўша кун ҳам осмондаги хира булутлардан юраги бир титратди, бир титратдики, ўзидан ўтганини ўзи билади. Яна денг, ясан-тусан хешу тобар аёллар орасига ўзини урганда, олдига қўйилган ошга пашша тушгандек, дилини сиёҳ қилишганига нима дейсиз. Тешик кулок эшитида, эшитмаса ҳам бошқа эди, осмондаги булутларга ҳам эътибор бермаган бўларди, лекин олифта янгаси, Аҳад тоғасининг хотини Муътабархон:

“Нигорми?! Баққа ўтказ уни, хов ана фаррош аёллар минан ўтирсин! Ўқиганлар орасида пишириб қўйибдими унга!” деганда миёсига болга тушгандек бўлди. Бели зирқираб оғриб, тили калмага келмай қолди. Ҳаҳ, янгаси-я, янгаси! Ундан бу гапни кутмаган эди. Одамнинг дили вайрон бўлса, тўқин дастурхон татирмиди?! Татимайди-да! Остидаги юмшоқ кўрпача ҳам тошдек ботиб, ўтирган жойида депсинди. Аёлларнинг хиринг-хиринг қулгисидан боши зирқираб, ваража тутгандек, азъойи бадани қалтиради. Бундай пайтларда энг сабрли одам ҳам уйга сиймай қолади. Пича ўтирай, деб харчанд ўзини босди, аммо сабри чидамади ва охири тоза хавога чиқиб келай, деган баҳона билан ўрнидан кўзгалди. Унинг тумшайиб қолганини сезган овсини Махбуба ҳам ортидан эргашди. Ховлида уни чертга тортиб: “Хей, Нигор, нима бўлди санга, бирдан рангинг сомон қайтди, тинчлиқни ишқилди?!” деб сўради хавотирланиб. Нигора аввалига дардини ичига ютиб, яширишга уринди, аммо Махбуба кистовга олғач, ёрилди қўйди.

Гул юзида ётқан икки нозанин бемори бор.
Махбуба мийиғида қулди, аммо бу ҳолати Нигорага бир оз оғир ботганини сезмади. Кўчада бир йигитнинг: “Аҳад ақаникида базму жамшидими?! Ундан кўра, Мамажонни ўйласа бўлмайдимми!” дегани қулоққа чалинганда, Нигора лабини бурди ва ўқиб: “Келмасам бўларкан, овсин!” деди.

Ҳаммаси ўша мулҳиш кундан бошланди, ўлган ўлиб кетди, энди иложи йўқ, бева қолдим, пешонам шўр экан, дея тақдирга тан берган эди, лекин Мамажон эри оламдан ўтган куннинг эртаси Кўкишлоқ кенг осмонга фалақдан тоши титландек, бир эмас, юз қалқиб тушди: эрталаб қоровул не кўз билан кўрсинки, қабр ўпирилиб очилиб қолган, жасад жойида йўқ, аммо қабр атрофида оёқ излари билини турарди. Бу – Мамажоннинг изи эди, қоровул анойи эмас, дарҳол чўтлади, ўнг ён оёғида зид ёр бор, ўзи қабрга қўяётганда, қафан очилиб, шунга кўзи тушгани эсида. Қоровул келиб, ажабтовур воқеадан эзли

хабардор этгач, дарҳол маҳалла посбонига маълум қилишди. Юзи кетмондай катта посбон силлиқ бошини қашиб: “Оббо! – деди ҳомуза тортиб. – Тоза машмаша-ку бу! Бир замоналар Чарли Чаплин дунёга дoston бўлганди, энди Мамажон дангозага навбат етибди, шеккили!”

Э биродарлар, ажаб замонда яшаймиз-да: посбон билиб айтган экан, шу кун кишлоқдаги барча телефонлар бу хабарни оламга ёйди. Бир зумда Кўкишлоқ дунёга машхур бўлиб кетганига нима дейсиз. Ана, бизнинг оташ замон!

БЕМОР

Энди Мамажондан эшитинг: уч деганда, изтопар итлар хид олиб, тўрт посбон ва Нигорни Ҳисор тоғининг ичкарисига, Гароб бува деган зиёратгоҳдаги ғорга бошлаб борди. Олтингургурт хиди уфурганидан аввалга изтопар ит бир оз гарангисиб қолди. “Изни йўқоқди, лаънати, – деди посбон чирт тушуриб. – Мамажоннинг ўлигини шу томонларга келтириб ташлаган бўлишса, энамизди кўраминг ҳали!” Нигоранинг лаблари титради ва “наҳотки? Эримнинг душмани йўқ эди-ку!” деб кўзи намланди.

Лекин бўрибосар Сиртлон яна изни топти ва чоли, тўғри гадир-будир тоғ бағридан отилаётган олтингургурт шаршара ёнидаги фил баробар келадиган ғор оғзида туриб воқуллади. Бу воқуллаш охангида сал мактанчоқлик сезилиб турарди! Шуниси Мамажонга ёқмади шекилли: “Итингни ол, ука!” дея ғордан чиқиб келди: ажабо, оқ қўйлақ-ништон қийиб олган элики, арвоҳдай қўрингани учун ҳамма ҳайиқди. Нигора: “Вой, дадажониси!” дея доғлаб юборди.

Посбоннинг ёнидаги ингичка мўйлов йигит қўлидаги телефони билан уни шу туришда бир неча бор расмга олди, Сиртлон пастга тушиб, баланд тут дарахти соясига узала тушиб,

кип-қизил тилини осилтириб, увлади. Посбон чирт тушуриб:

– Ака, бўлақолинг, олдимга тушинг! – деди беозор оханга.

Ғор оғзида турган Мамажон: – Рух олий хилқатдан узилиб, бегона унсурга тушган, фойдаси йўқ, – дея кош қайирди. Бу қанақа одам ўзи, олдида жуфти халоли, ҳамқишлоқлари турсаю таранг қилса, гашингизга тегмайдимми?!

Посбон унинг ёнига чиқиб борди. – Ака, одамни гапга қўйманг, Худо сизга яна тириклик ато этибдими, шукр қилинг!

– Машоихлар: “Нарсаларнинг табиғати яраша яша!” деган. Шу қондага амал қилиб яшамоқчиман, ука, арвангни орқага тортиб кетавер! – деди Мамажон осмондан кўз узмай.

Оддий одамнинг қайсарлиги посбоннинг гапни келтирди:

– Ҳеҳ, ака, таранг қилманг бунча, индамай олдимга тушинг! Ҳеч бўлмаса, янгани хурмати!

– Ким сизларга ўлимни даҳшат, деб айтди! Нега ўзингиз билмайдиган нарсадан кўрқасиз?! Бу дунёда бизни доимо бетоблик, қахру газаб таъкиб этади. Тўрт тарафдан қувғинга учраган бандалармиз. Бундай ҳолат бегона уйда яшаётганингизда содир бўлиши мумкин. Шундай экан, нега ўз уйингизга қайтишдан кўрқасиз?

Посбон бош бармоғини чеккасига қўйиб “томи кетиб қолибди бунинг!” дегандек шерикларига ишора қилди.

– Хей, ака, бундай телба-терсиқ гаплар минан бошни қотирманг! Сиздан бошқа ташвишларим кўп! Қани, олдимга тушинг: томингиз кетиб қолган бўлса, даволатами!

Мамажон ака хотинига қаради: – Ҳеч бўлмаса, сен тушунарсан мени!



БАХТИЁР НАЗАРОВНИНГ НАЗАРИ



Таниқли адабиётшунос ва танқидчи, академик Бахтиёр Назаровни мен қардош адабиётларни мукамал биладиган олим деб биламан.

Олимнинг қозоқ, қирғиз, туркман, қорақалпоқ ва бошқа адабиётлар адиблари тўғрисидаги мақолалари анча, дублар орасида муаллифнинг қорақалпоқ адабиётига бағишланган мақолалари алоҳида ажралиб туради. Бунинг сабаблари бор, албатта. Чунки Бахтиёр Назаров Қорақалпоғистонни, қорақалпоқ адабиётини яхши билади. Билибгина қолмасдан, бу адабиёт бўйича эмин-эркин илмий иш ҳам ёза олади. Жумладан, атоқли қорақалпоқ адиблари Тўлепберген Қаипбергенов ва Иброймон Юсупов даврасида бўлиб, ўзбек ва қорақалпоқ адабиётининг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашганларига гувоҳман.

Яна бир фактни эслагим келяпти. Гап шундаки, Б.Назаров Бердак ва Ажиниёзнинг барча юбилей саналарида, адабий тадбирларда катнашиб, маърузалар қилгани ҳамон ёдимда. Назаримда, бу учрашувлар, мулоқотлар, адабий анжуманлардаги иштироклар исзис кетмади. Мақола шаклида, радио, телевидение каналларидаги чиқишлар орқали халқимизга етказилди.

Бердак адабий мероси Б.Назаров кўпроқ шугулланган мавзулардан бири. Шоир ижодига бағишлаб ўнлаб мақолалар эълон қилди. Бердакнинг ўзбек тилида чоп этилган “Танланган асарлар”га сўзбоши ўрнида “Замон лочини” деган мақола ёзди. Муаллифнинг “Иқбол келармикан бизнинг элларга”, “Замонларга ҳамнафас сўз”, “Халқларвар шоир” каби мақолалари марказий газеталарда босилди. Мақолаларнинг ҳар бирида Бердак ижодининг ўзига хос қирралари: халқчиллиги, ватанпарварлиги, даврнинг оғир турмуш шароитидан норозилик мотиви, адолатсизликка қарши кураш ғоялари кенг таҳлилда очиб берилди. Муаллиф мақолаларнинг бирида ёзди: “Бердак асарлари фақат бадий ижод намуналари бўлиб қолмай, ўзи мансуб халқ босиб ўтган узок асрлик тарихини йўлининг ўзига хос тарихий солномалари ҳамдир”.

Бердак ижодига ёндашувда олим унинг асарларини Хоразм адабий мухити, яъни Муҳаммад Юсуф Баёний, Муҳаммад Раҳимхон – Феруз адабий мероси билан қиёсий ўрганади. Улардаги ўхшашликлар, ўзига хосликлар ижтимоий-тарихий шароит билан уйғунлаштириб тадқиқ этилади. Бундай яқинлик, шоирлар ижодига хос умумийликларнинг илдизлари фактларда яхши далилланган. Олимнинг Бердак адабий меросига бундай муносабати қорақалпоқ бердакшунослиги учун ҳам янгиликдир.

Б.Назаров яна бир қорақалпоқ мумтоз шоири Ажиниёз ижодига доир мақолалар туркумини ҳам ёзди. Шоирни XIX аср қорақалпоқ адабиётининг йирик намояндalarидан бири, лириканинг гўзал намуналарини яратган катта истеъдод соҳиби эканини ўзбек олими нуктаи назардан баҳолади. “Халким билар дардим ила ўзимни”, “Яхши сўз яқинларат эл орасин”, “Ажиниёзнинг адабий мероси”, “Қорақалпоқнинг улуг шоири” ва бошқа мақолаларида Ажиниёз шеърининг етакчи мавзулари, шоирлик маҳорати, Шарқ адабиётига муносабати, қорақалпоқ адабиётига янги шеърини шакллари олиб киришдаги хизмати чуқур асосланган.

«ШУМ БОЛА»ДА КЎРИШГУНЧА!..

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдурайим Абдуваҳобов катта юрак эгаси, ажойиб санъаткор, Ўзбек Миллий академик драма театрининг таниқли актёри эди. Умрбўйи халол меҳнат қилиш, мазмунли ҳаёт кечириш барча ижодкорларга ҳам насиб этмайди. Абдурайим тўғрисида ва ҳақиқатгўй эди. Болалигидан кино санъатига кириб келди ва умрининг охиригача театр ва кинога содиқ қолди.

Биз тендош эдик, яқин дўст эдик. Тенгқурларимиз ичида энг меҳнаткаш, ёрдамга муҳтож одамларга кўмакка доим тайёр, хайрли амалларни кўпроқ қилишга доим ошканиди.

У билан фақат ижодий ишлар борасида эмас, ташкилотчилик масалаларида ҳам маслаҳатлашиб турар эдик. Кўп йиллар Абдурайим билан сахнада ёнма-ён ижод қилдик. Киноларда биргаликда суратга тушдик. У театр ва кинода роллари маромига етказиб ижро қиларди. Оилапарвар, оилага жиддий муносабатда бўладиган, уни доим ғуборлардан тозалаб турадиган вафодор ва садокатли оилабоши эди. Фар-

зандларини яхши тарбия қилди. Онасига меҳр-муҳаббат билан муносабатда бўлди. Онаси Абдурайимни жуда яхши кўрар эди. У биз учун бу жабҳада ҳам ибрат кўрсатди.

Қаранг, шунча хайрли гапларни гапиряпмиз. Инсон вафотидан кейин у ҳақида яхши гапларни гапириб, уни яхши хислатлар билан эслаш, унинг номини ҳурмат билан тилга олиш юксак бахт экан. Баъзи инсонлар вафотидан кейин озгина эсланади, кейин эса унутилиб кетади. Инсонлар бўлади, умрини яшаб ўтганидан кейин ҳеч ким эсламайди. Лекин шундай инсонлар бўлади, кетганидан кейин унинг нақадар кераклиги, агар яна яшаганида ўз соҳасида халқига янада кўпроқ хизмат қилиши аён бўлади. Ўйлаган ниятларига етди, фарзандларини турмушга берди, уйлантирди, Она дуосини олди. Шу билан бирга дўстларига ҳам садокатли ва вафодор эди. Ёрдан сўраганларга қўлидан келганча ёрдан берди. Одамларга керак бўлиб яшаш, сеvimли бўлиб қолиш Аллоҳдан бериладиган улуг бахт экан. Унинг ҳаёти биз тенгқурлари ва ёш ижодкорларга ибрат ва ўғит бўлиб қолади.



Вафотидан уч кун аввал у даволанаётган Тошкент вилояти онкология шифохонасига бордим. Тасвирга олиш ишлари билан 3-4 кунга кетаётган эдим. Уни кўришни истадим. Зарурат бўлса, менга хабар беришини айтдим. Хайрлашув чоғимизда унинг сўнгги нигоҳини эслаб қолдим. Кўзларида кўркүв йўқ, ғубор йўқ, хавотир йўқ. Кўзларимга қараб жимлайиб, «Яхши бор», деди. Бу унинг видолашуви эди...

Унинг уч фарзанди бор. Икки ўғил, бир қиз. Одобли, оилага садокатли, меҳрибон фарзандлар. Абдурайим фарзандларини шундай тарбия қилган. Ўғиллари Абдуқохор ва Абдуҷаббор сўнгги дақиқа-

тачилик ролини, улар яратган нодир асарларнинг таъбир кучини илмий асослаб берганида. Муаллиф ёзди: “Қорақалпоқ адабиётини наинки Марказий Осиё, наинки собиқ иттифок, балки жаҳон миқёсига олиб чиққан адиблардан бири Тўлепберген Қаипбергеновдир. Ҳозирги дунёнинг қатор халқлари қорақалпоқни ва Қорақалпоғистонни, асосан, Тўлепберген Қаипбергенов асарлари орқали билади”.

Олимнинг барча фикрлари ўринли ва далилли. Т.Қаипбергеновни дунёга танитган машҳур асарлари – “Қорақалпоқ достони” трилогияси, “Қорақалпоқ қизи”, “Қорақалпоқнома” романи, “Қалбимнинг қомуси”, “У дунёдаги бобомга хатлар”, “Қорақалпоқман, таваққалчман” ва бошқа ҳар хил жанрдаги ижод намуналари мисолида тарихий ҳақиқат, қорақалпоқ халқининг тақдири, босиб ўтган мураккаб ҳаёт йўли, мавзуларни бадий ёритишдаги ёзувчилик маҳорати, асарларда кўтарилган муаммолар “Марказий Осиёдаги барча халқлар учун бирдай долзарб, қимматли ва аҳамиятли” экани таҳлил орқали илмий асосланади.

Б.Назаровни қорақалпоқ адабиётининг мохир тадқиқотчиси сифатида тавсифлар эканман, олимнинг яна бир фазилатини қайд этиб ўтмоқчиман. Қорақалпоғистонда ўзбек тилида ижод қиладиган бир гуруҳ шоир ва ёзувчилар бор. Айримлари Ўзбекистонда ҳам танилган. Шулардан бири Қорақалпоғистон халқ шоири, Бердак номидаги давлат мукофоти совриндори Гулистон Матёқубовдир. Олим мазкур шоира ижодига ҳам назар ташлайди. “Гулистон ҳақида сўз” мақоласида шоиранинг шеърлар туркуми ва достонлари мисолида ўзбек ва қорақалпоқ тилларида асарлар ёзиб, икки адабиётга бирдай хизмат қилиб келатган Г.Матёқубовани “кўнгил шоири”, “шеърларида дардли кўнгил мавжлари” акс-садо бериб туришини истеъдод белгиси деб ҳисоблайди.

Б.Назаров Қорақалпоғистоннинг илм-фани ривожига, илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ишларига ҳам ҳисса қўшиб келатган олимлардан бири. У Қорақалпоғистонда химоя қилинган бир қанча номзодлик ва докторлик диссертацияларига расмий оппонент бўлди. Олимнинг илмий раҳбарлигида бир қатор ёшлар номзодлик диссертацияларини химоя қилди. Кўплаб илмий тўпламлар, монографиялар Б.Назаровнинг масъул муҳаррирлиги ёки сўзбошиши билан чоп этилди.

Ҳа, олимнинг Қорақалпоғистон ва қорақалпоқ адабиёти билан боғлиқ фаолияти кўпқиррали ва самаралидир. Қорақалпоқ адабиётининг дўсти, мохир тадқиқотчиларидан бири Бахтиёр Назаровнинг бу соҳадаги фаолиятига бир назар ташлар эканмиз, шу мисолида олимни қорақалпоғистонлик ҳамкасблари номидан муборак 75 йиллик таваллуд санаси билан табриқлаймиз. Олимнинг адабиётшунослик фаолияти янада жўшқин ва салмоқли, қорақалпоқ адабиётини ўрганиш йўлидаги илмий изланишларининг тилка-дошмиз.

Каримбой ҚУРАМБОВЕВ,
филология фанлари доктори,
профессор

ларгача отасини ёлғиз қолдирмади.

Унинг «Чимилдик»даги куёв, «Ўтган замон хангомалари»даги Ҳасан Кайфий, «Имон» спектаклидаги куёв ва кўплаб бошқа роллари халқимиз хотирасида узок сақланади. У репетиция ва спектаклларга ҳеч қачон кеч қолмасди. Театр бадийи кенгашининг аъзоси эди. Доим ўзининг фикрларини айтиб фаол иштирок этар эди. Устозларининг ҳурматини жойига қўярди. Т.Азизов ва М.Абдуллаева билан ҳабабларлиб туради. Уларнинг устоз-шогирд сифатидаги муносабатлари барчага ибрат эди.

Келажакда театримизда М.Сервантеснинг «Дон Кихот» асарини сахналаштириш ниятимиз бор эди. Спектаклда Санчо Пансо ролини А.Абдуваҳобов ижро этишини режалаштирган эдик. Бу хали театрнинг репертуар йиллик режасига кiritилмаган эди. Бу рол А.Абдуваҳобовнинг истеъдодини яна бир бор намойиш этишига ишонган эдим.

У инсоний фазилатлари, театр ва кино санъатида яратган образлари билан доим қалбимизда ашайди.

Фатхулла МАЪСУДОВ,
Ўзбек Миллий академик драма театри директори

Ўзбек халқининг сеvimли шоирларидан бири Шукрулло бир кам юз ёшида фойн дунёдан боқий дунёга рихлат қилди. У, бошқа тенгошлари сингари, ўтган асрнинг 30-йиллари охири – 40-йиллари бошларида ўзининг илк жўшқин шеърлари билан ўзбек адабиётига кириб келган. Унинг вафоти билан Ойбек ва Фафур Ғулом авлодидан кейин ўзбек адабиётига кириб келган Шухрат ва Асқад Мухтор авлоди ҳам ёруғ дунёни тарк этиб, тарих бағридан жой олди. Ойбек ва Фафур Ғулом авлоди Абдулла Қодирий ва Чўлпонлар бошлаб берган янги ўзбек адабиётини янги тараққиёт босқичига қўтарди. Шухрат ва Асқад Мухтор авлоди ҳам устозларининг энг яхши адабий анъаналарини давом эттириб, адабиётимиз хазинасини сара асарлар билан бойитишга интилди. Бугун ўзбек адабиётининг жаҳон адабиёти бағридан мустаҳкам ўрин эгаллашида бу авлоднинг ҳам ҳиссаси оз эмас.

ШЕЪР МАЖНУНИ

Шукрулло туғилган оилага диний адабиёт ҳам, дунёвий адабиёт ҳам бегона бўлмаган. Отаси Фафур Ғуломдек улкан шоир билан яқин алоқада бўлган. Катта опаси унча-мунча шеърлар ёзган. Ўзи ҳам 1932-1933 йиллардаёқ қалам тебратга бошлаган. Шу йилларда ўзбек шеърини осмонда Усмон Носир қолдузининг қачнаб ёниши вафотининг 100 йиллиги муносабати билан пушқинхонлик кечаларининг шеърят байрами сифатида ўтказилиши ҳаваскор шоирнинг шеърят Мажнун бўлишига сабаб бўлди.

У устози Фафур Ғуломдек туғма шоир эди. У табиат манзараларидан ҳам, кишилар ва жамият ҳаётида рўй берган воқеалардан ҳам, бирор устози, тендоши, хатто шогирдининг қойилмақом қилиб ёзилган шеърларидан ҳам ёш боладек завқ олар, агар шу лаҳзада илҳом фариштаси унинг атрофида қанот қоқиб юрган бўлса, бадохатан яхшигина шеърни айтиб ёки ёзиб ташлаш унга ҳеч гап эмас эди.



Қуллардан бирида дарवेशфел шоирларимиздан Азиз Абдураззоқ устозини йўқлаб келганида, шоирнинг қизлари одатдагидек меҳмон шарафига дастурхон ёзиб, гулгун пиёлаларга чой қуйиб, ибод билан узатиб кетади. Икки шоир муомалачиликка риоя қилиб, аввал чойни ичишади. Сўнг навобат шаробга келади. Ўша йилларда табиат заха тортмаган эди: капалаклар борми, тилла кўнгиллар борми, бемалол учиб юрар, хатто дастурхоннинг хидини олиб, меза-чечалар тепасидан кетмас эди. Шундай қутилмаган “меҳмон”лардан бири – оппоқ қанотчали капалак дастурхон атрофида учиб юриб, қутилмаган шароб қуйилиб, икки шоирнинг кўзини ўйнатиб турган гулгун пиёлага келиб қўнади. Пиёлабарага қўл узатишга шайланган турган шоирлар ўзлари билан капалак ўртасида қандайдир “руҳий яқинлик”ни сезиб, донг қотадилар. Ҳар бир воқеанинг фалсафий илдизини қидиришга қўниқан Шукрулло Азиз Абдураззоқдан сўрайди:

— Азиз, бу капалак нима учун бир-бириндан ширин меваларни эмас, шароб қуйилган пиёлани аъло деб топди?

— Капалакда ҳам одамларга хос хусусиятлар бўлади. Кўрадики, биз пиёладаги “шайтоннинг суви”ни сиққормоқчимиз. Унда ҳам шундай истак туғилган кўринади, — деб жавоб беради Азиз.

— Йўқ, — дейди Шукрулло. — Капалаклар гулзордан-гулзорга учиб юради. Гулзор — улларнинг ватани. Бизнинг капалак эса гулгун пиёлани гулзор деб ўйлаган!

Азизга устознинг топқирлигидан хайратга тушиб, қарсақ чалишдан ўзга иш қолмаган эди.

Шукрулло жуда кўп ҳолларда шундай ҳаётий жумбоқларнинг шоирона ечимини топиб, ҳаммани қойил қолдирувчи гўзал шоир эди. Шукруллонинг энг яхши лирик шеърларида унинг шу фазилати жиҳваланиб туради.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Шукрулло мансуб бўлган авлод 30-йиллар охири – 40-йиллар бошларида адабиёт оламига кириб келган. Бинобарин, бу авлод вақиллари 50-йилларга қадар шаклланмаган ва улларнинг бирор асари адабиёт оламида воқеа бўлмаган. Агар зolim подшо Сталин борса-келмас дунёга равона бўлмаганида, шу авлоднинг 50-йилларда қатагон қилинган Шухрат, Саид Аҳмад, Шукрулло сингари пешкадам вақиллари адабиётда бирор эш қолдирмай, номинишонсиз кетган бўлардилар. Не бахтки, тарих баъзан-баъзан адолатли ҳукм ҳам чиқариб туради.

Сталинчи жаллодлар Ўзбекистондек иссиқ ўлкада туғилиб ўсган маҳбусларни собиқ империянинг энг совуқ жойларига юборишдан олам-олам лаззат олганлар. Шукруллонинг чекига шимолдаги Норильск шахридаги лагер тушган. Камина шўро мамлакатидagi сийёсий иқлим ўзгара бошлаган 60-йилларда

Норильск дарёси бўйлаб саёхатга чиқиб, Норильск шахрига ҳам борганман. Ёзнинг жазирама кунлари эди. Биз, саёхатчилар Норильск портига етиб келганимизда иссиқ кийиниб, албатта, ёмғирпўшин олишимиз лозимлигини айтишди. Норильскда нафақат киши чилласи, балки кечки куз ва эрта баҳор ойларида ҳам қаттиқ совуқ ҳукмронлик қиларканки, хатто автобуслар бензинхонасидagi ёқилғи яхлаб қолиб, йўловчилар аро йўлда қоладиган кунлар тез-тез содир бўлар экан.

Шукрулло маҳбуслик йилларини шундай рутубатли шахардаги бадхат лагерда ўтказди. Ориқдан келган, танасида суюқдан бошқа эти бўлмаган шоирнинг шу ажал маканидан омон қайтиши — ажабланарли воқеалардан бири. Одатда шўро даврида ҳаёти шундай дўзахларда кечган, ит семайдиган “овқат”ларни, ҳақоратларни, таққирланшларни эслашга тоқати бўлмаган ёзувчилар озодликка эришганларидан сўнг шу ҳақда асар ёзиш,

шўро даври тарихининг қонли саҳифаларини ёритиш учун ўзларида куч топа олмадилар. Аммо ниможон Шукрулло айрим рус биродарларидан ибрат олиб, “Кафансиз кўмилганлар” хотира-романини ёзди. Бу асар ўзбек жамиятида катта акс-садо берди. Бундан илҳомланган шоир яна шу мавзуда асар ёзишни ўзининг ўтганлар олдидagi бурчи, деб билди.

Ўзбек халқининг ажойиб фарзанди Убайдулла Хўжаевнинг номи яқин-яқингача зулмат қўйнида эди. 1909 йили Саратов шахридаги адвокатуролада хизмат қилган У.Хўжаев Янаша Полянада яшаб, зулмга зулм билан жавоб бермаслик ҳақидаги “назария”ни тарғиб қилаётган улуг рус адибига хат ёзиб, унинг “назария”сини чиппакча чиқарган. Л.Н.Толстой У.Хўжаевнинг фикрларида жон борлигини сезган бўлса ҳам, унга ўз “назария”сини химоя қилувчи жавоб хатини юборган. Ўрта-осийлик йигитининг улуг рус адиби эътиборини қозониши ҳазилакам воқеа эмас эди. Бундан хабар топган жадидлар У.Хўжаевнинг Тошкентга келганини эшитиб, унга “Садои Туркистон” газетасига муҳаррирлик қилишни илтимос қилишган. Хуллас, У.Хўжаевнинг кейинги ҳаёти ўзбек халқининг мустақиллик йўлида олиб борган кураши майдонларида кечган. У.Хўжаев Шукруллонинг тоғаси эди. Шукрулло НКВДнинг темир сандиклари очилгач, ДХХ архивидagi У.Хўжаевга оид архив материаллари билан танишиб, “Тирик руҳлар” роман-хотирасини яратди. Шукруллонинг бу асари орқали халқимиз У.Хўжаевнинг эрк ва хуррият йўлида кечган ҳаёти билан танишди.

Шукрулло ўз фикрида турадиган, ҳақсўз, халол, виждонли шоирлардан бири эди. Расул Ҳамзатов, Қайсин Қулиев, Давид Кутултинов, Мустай Карим сингари дунёга машҳур шоирлар уни шу фазилатлари учун севиб, у билан дўстона алоқада бўлдилар. Дарवेशифат шоир Москва, Кавказ ва Волгабўйидаги дўстларини соғинганида бир кунга, хатто бир соатга бўлса ҳам, ярим кечда самолётга тушиб, уларни кўргани борарди.

Шукрулло роман жанрига мурожаат этганида ҳам, драматургияга назар ташлаганида ҳам шоир-романивист, шоир-драматург бўлиб қолди. Унинг “Ўғрини қароқчи урди” комедиясидан “Ҳасрат боғи” драмасигача ҳаммаси шеър билан ёзилган. Шу маънода у узок умри мобайнида шеърятга асло “хиёнат” қилмади.

Шоир то умрининг охиригача қайноқ ижоддан қарчамда, шогирдлари ардоғида бўлди. Мангу айрилик онларида Шукруллонинг барча яқинларига сабр тилаб қоламиз. Атоқли шоирнинг хотираси асло ёдимиздан ўчмайди.

Наим КАРИМОВ,
академик

Хотира уйгонса – гўзалдир!

Баходир Содик

Баҳор кунларининг бири эди, ховлида ҳаёл суриб тургандим, тўсатдан момакалдирак гўмбурлаб, чакмоқ чакиб тунни ёритиб юборди, бир зумда бутун борлиқни нурга тўлдирди сўнг ўчди...

...Хаёлим олис кузнинг сокин оқшомларига кетади... Дўстим, адабиётни нозик ва инжа фаҳм этувчи инсон, айни навқирон ёшида оламдан кетган Баходир Содикни эсламан... У ҳам бир зумлик чакмоқ каби чакнаб сўндию, лекин қанча калбларга ўша нур — ўша қувончни муҳрлаб кетди. Бу нур, бу қувонч хануз қалбимизни ёритиб турибди... Бу қувонч энди соғинч бозларида армонли бир шамолга айланган. Бу соғинч шамолли. Бу шамол энди қалбимда тинмай эсавиради... Бу шамол мени баҳарда кирк йил бурун орта қолган, қалбимизда орзуларимиз барқ уриб гуллаган бегу-бор оларга етаклайди...

1979 йилнинг кузи. Талабаларнинг дастлабки йили, октябр ўрталарида Сирдарёга пахта теришга бордик. Бизлар 4-курс талабалари билан битта барак, яъни ётоқка жойлашдик. Эрталаб ҳаммамиз чуқолиқларда чўзилиб пахтазор томон йўлга тушамиз. Пешинга қадар озми-қўлими пахта ёки подбор терамиз. Пешиндан сўнг эса бир-икки этак пахта терган бўлиб, шу пахта устида кимдир ётиб китоб ўқийди, кимдир шериги билан адабиёт, шеърят, соф севги ҳақида гоҳ тортишиб, гоҳ баҳслашиб суҳбат қуради.

Кенг далалар бағрида, қўм-қўк, тип-тиник осмон остида кечган суҳбатлар ўзгача эди. Кечки пайт, қуёш қизариб бота бошлади. Ҳамма барак сари йўл олади. Йўлда яна баҳслар, ҳазил-хузунлар... Раҳмон Ҳожимурод бор овози билан шеър ўқишга тушади. Хайитбой, Ғайрат, Абдураззоқ Обруй унга жўр бўламан. Бу Муҳаммадали Қўшмоқовнинг дилбар сагрлари эди:

**Бир мезонинг йўли янглиг кунлар узундир,
Бир тола соч таърифидек туллар узундир
Ва қувваи ҳофизамнинг дарёси узун,
У туну кун куйга солар шу қўшиқ сўзин:
“Сим, дедим, сим-сим, дедим, симлар қўйингда,
Зарра гуноҳ менда бўлса, қилчи бўйинида”.**

Мен юртимдан олисларда бир қизни суйдим,
Юлдузларнинг кўз ўнгига юлдуздак қуйдим,
Дилдоримнинг дийдорига тушларда тўйдим,
Ёш умримни садқа, дея пойига қуйдим,
“Сим, дедим, сим-сим, дедим, симлар қўйингда,
Зарра гуноҳ менда бўлса, қилчи бўйинида”.

Халқ оҳангларига уйқаш бу сагрлар ўз-ўзидан юраклардан қайнаб чиқар, бу сагрлар осмонларга учиб, узоқ-узоқларга таралар ва кенг далалар бағрига сингиб кетар эди. Ўша пайтлар ҳаёт, бу ёруғ олам кўзимизга фақат шеър бўлиб, соф мухаббат бўлиб кўринар, биз эса ҳаётни фақат шеърдан, мухаббатдан иборат деб ўйлар эдик.

Оқшомлар гулхан атрофида бўлган мушоиралар, ўйин-қулгилар биз учун бир байрам эди... Қани энди у байрамлар?... Энди у байрамлар қайларда қолди?... Мана оқшом барак олдида булуғнурлик курсдошимиз Мамадали Жалилов қўлида рубоқ, қўшиқ куйламоқда. Ҳамма жим тинглайди. Мамадали куйлаётган қўшиқ гўё қалбимизда жаранглай бошлайди. Мамадали куйлаётган қўшиқ оқшом бўйлаб тарала бошлайди:

**Қор босса ҳам оламини буткул,
Эшигиндан ўтарман бир қу-у-ун...**

1979 йил 6 ноябрь. Ёмғирли кун эди. Қандайдир китоб ўқийётган эдим. Кимдир мени чақирди:
– Бердирахмат, бу ёққа қара!
– Эй Баходир, келинг-қелинг!
– Сизга Мирзо Кенжабек салом айтиб юборди.
– Э, саломат бўлсин. Мирзо ақани қаерда қўрдингиз?
– Икки-уч кунга Тошкентга боргандим. Мирзо ака билан учрашиб қолдик. У киши сизни сўради. Мен сиз билан бир жойда пахта тераётганимизни айтдим.

Шу кунни биз Баходир ва унинг дўстлари Фарҳод, Нур-Ғайф, Бобоназар билан анча суҳбатлашдик. Баходир ва Фарҳод Сўфи Оллоёр, Машраб ғазалларидан ўқиди. Бу ерга келганимизга анча кун бўлиб қолган бўлса-да, бу Баходир билан илк бор яқиндан танишиб, суҳбатлашимиз эди. Шу пайт оқшомги мушоира бошланиб қолади. Талабалардан бири Мирзо Кенжабекнинг халқ оҳангида ёзилган шеърини ёддан ўқиб бошлайди.

**Қаро тунинг бағрида
Ёруғ хаёл қандай хуш...
Бу дунёда бир киз бор –
Ёстигининг ярми бўш.**

Қўпчиликнинг илтимосига кўра Баходир ҳам даврага тақлиф этилади. У “Тўруғли” достонидан термалар, Махтумқуллага ўхшатма тарзида ёзган ҳазил шеърларидан ўқиди. Шунда талабалар Машраб ғазалларидан ўқиб беришини сўради. У эса: “Бобораҳим Машраб ғазалларини таҳратсиз ўқиб бўлмади”, деди. Ҳамма унга хайрат-ла тикилиб қолди. Баходирнинг бу сўзлари, айниқса, биз – биринчи курс талабалари учун қутилмаган янглик, ички бир жасорат ифодаси бўлиб кўринди. Унинг бу сўзларини мумтоз адабиётимизга, улуг боболаримизга улкан ихлос ва мухаббат намойиши эди.

Баходир иккимиз кечки пайтлар сайр баҳонасида пахтазор ўртасини кесиб ўтган, қўшни бараклар билан туташтирувчи, икки тарафига чинорлар экиланган йўлда юриб суҳбатлашадиган бўлиб қолдик. Кузнинг сокин оқшомларида кечган суҳбатларимиз гоят марокли эди.

– Мухаббат ҳақида битта шеър ўқинг, – деди у бир сафар. Мен яқинда ёзган тўртлигимини ўқийман:
**Ўн саккизга эдик иккимиз,
Ўн саккизга эди бу олам,
Ўн саккизга эди севгимиз,
Қайга кетдинг ўн саккизином?**
– Ажойиб шеър экан, – дейди.

Баходир кейинчалик бу тўртликни кўп давраларда ёд айтиб юрди. У фақат мени эмас, бошқа дўстларни ҳам хурсанд қилишни хуш кўрар, ўзгалардаги бу шодликни кўриб ўзи ҳам қувониб кетарди. Бир сафар суҳбатлашимиз рус шоирлари Андрей Вознесенский, Евгений Евтушенко шеъряти ҳақида бўлди. Шунда Баходир Евтушенконинг Анна Ахматова вафотига бағишлаб ёзган шеърини “Сен ўзинг бир дунё, у дунёга қандай сизгасан” деган сатрда ёд қилди.
– Зўр сатр экан, – дейман хажжонланиб.
– Ҳаяжонланманг, бу гапни улуг Озарбайжон шоири Насийиб бир ғазалида:

Манга синар икки жаҳон, ман бу жаҳона сизгасман, деб, Евтушенкодан беш аср олдин айтиб қўйган, – дейди.

Бир кунни кечки пайт барак олдида Баходир билан учрашиб қолдик.

– Бердирахмат, юринг бир айланиб келамиз.
Иккимиз ўша ҳамшира сайр қиладиган йўл бўйлаб юрамиз. У мендан шеър ўқишини илтимос қилди. Иккита шеър ўқидим. Қандай шеърларни ўқидим, ҳозир эсимда йўқ. Баходирга ўзингиз ҳам бирорта шеър ўқинг, дейман. У Хуршид Давроннинг “Шаҳардаги олма дарахти” тўпламида битта шеър бор. Жуда гўзал шеър, деб уни ёддан айтга бошлайди:

**Тунда силқитаркан дарахтни шамол,
Дарахтзор титраркан маҳзун, букчайиб,
Дарахтзор қошига келар бир аёл,
Нозик оёқларин шабнамга чайиб.**

**У гуллар сочади ҳовуч-ҳовучлаб,
Хайратга тушади армонли бозлар.
У куйлай бошласа, суларни тишлаб
Уйғона бошлайди қуриган шохлар.**

Баходир шеърни шундай бир ҳаяжон билан шодланиб ўқидики, уни эшитган одамнинг ҳам қалбини бу шодлик ва ҳаяжон қамраб олар, шеърнинг руҳини, ундаги гўзалликни ҳис этиб беихтиёр ўзингиз ҳам қувониб кетар эдингиз.

Йўлда давом этамиз ва ўша даврнинг навқирон авлоди — Усмон Азим, Муҳаммад Раҳмон, Шавкат Раҳмон, Шуқур Курбон, Хуршид Давроннинг ижоди ҳақида суҳбатлашамиз. Баходир менга ўша шоирларнинг илк китобларидан ўрин олган шеърларга ёзган тақрирлари ҳақида сўзлайди.

– Усмон Азим илк китобини “Инсонни тушуниш” деб

ОШМОН АЗИМ ЁХУД СОКИН КУЗ ОҚШОМЛАРИ

номлаган. Мен шу тўплам ҳақида ёзган тақризимга “Инсонни севмоқ керак” деб ном қўйдим. Тақризга бундай ном қўйишимга немиш файласуфи Фейербах бир асаридан ёзган “Инсонни севмиш учун уни севмоқ керак” деган сўзлари туртки бўлди, деган эди.

Б.Содикнинг “Инсонни севмоқ керак” номли тақриздан:

“Усмон Азимовнинг “Инсонни тушуниш” шеърлар тўплами инсон ҳолатларини кўрсатишга бўлган самимий бир уринишдир. Зотан одамлар – бир қилибгина нухсалар эмас. Бир ҳолатининг хил тушуниши мумкин. Тушуниши, аслида сўзининг муқаддима маъносидангина тўғри.

Ўлим қандай тушуन्छа? У ҳеч қандай ишбуҳага ўрин қолдирмай юз берадиган ва ўз тўғри маъносидан тушуниладиган бирорта бир тушуन्छаир. Ўламасдан олдин ҳам у тўғрисида тасаввуримиз кўп бўлади. Киши ўлганидан кейин унга ҳамма нарса барибир эмасми? Фақат бир нарса аниқ, у ўлган, у тирлик эмас. Мардлар ҳам, қўрқоқлар ҳам бир мартагина ўладилар. Иккинчи бор ўлиш даҳшатли эса, иккинчи марта яшаши бахтиёрликдан келиб чиқар эди. Лекин шу – бир бор ўлишни удалаши давомиди кишилардан ботирилар қақди:

**Бирок
Кейин хайкал қўйсангиз ҳам,
Шеър ёсангиз ҳам мени шарафлаб,
“Ўнугмайимиз”, деб қасам ичсангиз ҳам,
Мен ўламан,
тушуниясизми,
мен ўламан...**

Бундай ўлим – тугиличи билан баробар. Тошларда унинг ғавдаси, шеърларда қаҳрамонлиги, қасамларда хотираси тугилади.

...Яна Баходир иккимиз оқшом ўша кадрдон йўл бўйлаб сайрдикми. Бу сафар Баходир шоир Муҳаммад Раҳмон шеърлари ҳақида сўзлайди. Ўша пайтлар шоирнинг “Яшил дарё” номли иккинчи тўплами чоп этилган эди. Баходир ушбу тўпламга ёзган тақризини “Шеърятнинг она тили” деб номлаганини айтди.

Б.Содикнинг “Шеърятнинг она тили” номли тақриздан:

“Этиборимиз поэтик эътироф даражасига қўтарилиши “Хайратимнинг тили” шеърини ўқини давомиди юз беради. Хайрат инсонга баҳи этган энг ноёб тўхфа бўлмиш эшитиши ва кўриш қувончидан беэбоз ва гўзал исёнидор; унинг Ватани – юрак чегараси – қўлардир. Шоир хайратининг тили эса шеърятнинг она тили демек!

**Ҳофиз дарёларим, мени қийнаманг,
Кезиб соҳилларда бесўз, бекалом.**

Ҳофиз дарёларда оқар экансиз, санъат билан мунаввар юкжакликда мувозанатга қирган хайратомуз хайратга қониб борасиз.

**Оймисан, тун аро боқира, латиф,
Кунмисан, қаролмай қамашар қўзим.
Гуллим, на тараф бор сенга, на таъриф,
Топиб айтар эдим уни мен ўзим
Хайратимнинг тили бўлсайди агар.**

Поэзия – юракнинг табиат билан, инсоният билан ва ўз-ўзи билан гапиришадиган универсал тилидир. У – тошларнинг сув тилидаги қўшиқлари; у – даралар учган гулдуроснинг суюлиб оқиши; у – осмонда ўт бўлиб, ерда сув бўлган чакмоқ ва маҳзунликдан сув шаклига қирган гулдуромодир. Ниҳоят шеърят – табиатнинг она тилидир. Табиат эса бизни доимо хайратлар билан сийлайди...

У Хуршид Давроннинг илк шеърый тўплами “Қадрдон куёш” ҳақида ёзган тақризини “Қуёшга қўмилган тушлар”, “Шаҳардаги олма дарахти” номли иккинчи шеърый китобига бағишлаб ёзган мақоласини “Тушларга сизмаган ватан” дея номлайди.

Пахта мавсуми тугаб, турнақатор автобусларда Тошкентга қайтамиз. Икки ойдан ортик фурсат бизни бағрига олган кадрдон далалар ичимиздан мунгайиб қолади. Орта қолган кунлар хаёлимдан ўта бошлайди. Тўсатдан у кунларни, у ок-

шомларни ўзим билан бирга олиб кетаётганимни ҳис этиб юрагим энтиқиб кетади...

Баходир Талабалар шаҳарчасига ёндош “Аспирантлар уйи”га ажайди. Тез-тез кўришиб турамиз. 1980 йил 26 февраль. Кечки пайт Ўзувчилар уюшмасида шоир Назар Шукурнинг “Қўкдаги умр” илк шеърый тўплами қўлёзмаси муҳомада бўлади. “Ўзбекистон” меҳмонхонаси ёнида жойлашган Уюшма биносига кириб, китоб дўконидига янги китобларни кўздан кечираётган эдим, Баходир келиб қолди. Иккалаимиз китобларни бироз кўрган бўлдик-да, сўнг залга кирдик. Зал тўла одам. Назар Шукур билан бирга яна икки шоирнинг илк тўпламлари ҳам муҳомада бўлаётган экан. Муҳомагани шоир Туроб Тўла бошқариб борди. У жуда кизгин ўтди. Назар Шукур улуг мусаввир Ўрол Тансиқбоевга бағишланган “У шундай кучлики”, “9 февраль. Навоий кўчаси” ва бошқа шеърларини ўқиди. Бу шеърлар ҳаммада яхши таассурот қолдирди. Хусниддин Шарипов: “Назар Шукурнинг шеърлари менга жуда ёқди. Бу шеърлар юрагимдан ўчмайди”, дея олқишлаб, сўзининг охирида шундай деган эди: “Бугун одамлар Навоийни кўчада от миниб ўтаётганини кўриб хайратланиб, хайрон бўлиб қолмайми? “Қаранг, Навоий Тошкентнинг катта кўчасида от миниб юрибди, деб”.

Шунда Баходир қулоғимга секин шивирлаб: “Хусниддин ака тўғри гапни айтди, галамислар шоир ўтмиши қўмсаб қолдиб, дейиши мумкин. Шунинг учун шоирни огоҳлантираёти” деди.

Бир сафар бир даврада Баходирни эслаганимизда Назар Шукур: “Мен Баходирни ўша илк китобим муҳокамаси пай-

ти сиз билан ёнма-ён ўтирганини, мен шеър ўқийганимизда у қўлини кўтариб бош бармоғи билан “Зўр” дея олқишлаб турганини кўрганман, деган эди. Бу воқеани нима учун эслаяман? Ахир, замондош бўлган, миллат тақдири ҳақида ёниб-қуйиб ижод қилган бу икки навқирон ва камёб истеъдод соҳибига бир-бири билан кўришиб, суҳбатлашиш насиб этмади. Орадан беш йил ўтиб Назар ака ҳам автохалокат сабаб оламдан ўтди. Бу икки ижодкорнинг ўша пайт бир-бирига айтолмаган сўзларини энди ёлғизга туширайламан.

Баходирни ҳар сафар эслаганимизда ўша сўзлар қулоғим остида жаранглайверади. Бу сўзларни унутолмайман. Бу сўзлар менга ундан васиятлай бўлиб қолган. Бу сўзлар ҳавога учиб кетмасин, дедим. Бу сўзлар етим бўлиб қолмасин, дедим. Инсоннинг ўзи ҳам, унинг айтган эзгу сўзи ҳам азиздир. Эзгу сўзлар ўлмайди. Эзгу сўзлар юракда яшайди...

1980 йил баҳори, 7 март куни эди. Оқшом Баходирнинг “Аспирантлар уйи”даги хонасида суҳбатлашиб ўтирибмиз. Шунда Баходир менга:

– Сиз ўтириб туринг, мен ҳозир келаман, сўнг гурунгни давом эттираман деди-да, кимдидир кузатиб қўйиб учун ташқарига чиқиб кетди. Орадан кўп ўтмай дераза томондан Баходирнинг ҳаяжонли овози келди.

– Бердирахмат, тез чикинг, турналар келди!
Юғуриб ташқарига чиқдим. Турналар осмонда қур-қурлашиб учиб ўтаётган экан. Турналар овозини биздан узоқлашгунча тинглаб турдик. Шунда Баходир:

– Ай-й, Бердирахмат, турналар келди. Улар баҳорни олиб келди, деб роса қувонди, сўнг менга: – Шу ҳақда бутун бир шеър ёзинг, – деди.

Бу унинг ҳаётидаги сўнгги баҳор эканини биз хали билмасдик...

Мен кейин бир шеър ёздим, бу кейинги йил баҳори эди... Бу баҳорда Баходир йўқ эди...
**Осмон тўлиб яна турналар қайтди,
Унинг қўшиғига тўлди бу олам.
Турналар мунгли бир қўшиқни айтди,
Афсуски, сен йўқсан, қалбда армон, ғам.**

1980 йилнинг ёзи... Ўқув йили тугаб, талабалар ёзги амалиётни ўташ учун йўқларига таркаб кетган пайт... Баходир амалиётни Гафур Гулом номидаги адабниёт ва санъат нашриётида ўташ учун Тошкентда қолган эди...

17 июль. Баходир “Нукус” кинотеатри ёнидаги талабалар профилактикариясида турбиди. Кечки пайт ўша ерга бордим. Иккимиз бироз суҳбатлашдик. Шунда Баходир “Соҳиба, Малика деган қизлар ҳам ҳам шу ерда. Ҳозир уларни айтиб қийман”, деди. Бу қизлар бу йил 3-курсни тамомлашган. Малика Самарқанднинг Нарпай туманидан, Соҳиба Туркистоннинг Қарноқ кишлоғидан. Самийи қизлар, иккаси ҳам шеър ёзади. Улар билан талабалар шаҳарчасини айланамиз. Шеърят, адабиёт, эртанги орзулар ҳақида гурунглашамиз. Баходир хоразмча термалардан айтди. Шунда Малика ҳазил аралаш: “Тўрталамиз бирга эсдалиқ учун расмага тушайлик, келажакда машхур бўлиб кетган пайтларингизда китобларингизда шу расм билан биз ҳам тарихда қолардик”, дейди.

26 июль куни пешинга яқин Баходир яшайдиган “Аспирантлар уйи”га бордим, хонасида йўқ экан. Уни излаб журналистика факультети талабалари яшайдиган 2-ётоқхонага ўтдим. Баходир шу ерда, Малика, Соҳибаларнинг хонасида экан. Иккалаимиз гўё анча йиллар кўришмагандек қучоқлашиб кўришдик. У Хоразмча шевада:

– Эй, нерларда юрибсиз, сизни бир ҳафтадан бери қидираман. Қелганингиз дим яхши бўлди, – дейди.

Ўша кунни узоқ суҳбатлашдик. Қизлар шеър ўқиб беришимизни сўрашди. Баходир иккимиз тик турган ҳолда бор овозда Муҳаммад Раҳмоннинг машхур шеърини ёддан ўқиймиз:

**Хайратимнинг тили бўлсайди агар,
Бўғзимга тикилган ҳаяжонимни,
Қутулларим айтиб бир йўла,
Қийнамасдан бунча жоним...**

ТАХРИРИЯТДАН: Баходир Содик адабий мақолаларининг айримлари у ҳаётлик пайтида “Ғалаба” (ҳозирги Қуйи Чирчиқ тумани) газетасида чоп этилган, аммо республика нашриятида эълон қилинмаган. У бунга шошилмаган эди. Омон Матжоннинг “Ҳаққи қичқирди” китоби хусусида ёзган мақоласи вафотидан сўнг бир ой ўтгач, “Шарқ юлдузи” журна-лида “Қирқинчи афсона” номи билан чоп этилди.

Рауф Парфининг “Қўзлар” китобига ёзган “Қўзлардаги дунё” номли мақоласи кейинчалик “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида, адабиёт-илмий меросидан намуналар китоб шаклида “Янги аср авлоди” нашриётида 2017 йилда “Хотира уйгонса – гўзалдир!” номи остида нашр этилган.

Оқшомга яқин Баходирнинг хонасига, “Аспирантлар уйи”га қайтдик. У менга Хуршид Давроннинг “Шаҳардаги олма дарахти” шеърый тўпламининг хадя этмоқчи бўлди.

– Бу тўплам менда бор, – дейман.
– Бу бошқача қозғола нашр этилган, – дейди ва китобнинг биринчи varaгига дастхат ёзиб менга узатади.

“Дўстим Берди Раҳмат! Шу ғамгин кунларимиз ҳам ўзимиздек ғанимат қахлигига ишонаман. Баходир. 26.07.1980”.

1980 йил 27 июль куни эрталаб Баходир билан хайрлашиб Қашқадарёга жўнадим. У ўша кунни нимагадир бироз маънос эди. Бу бизнинг сўнгги дийдорлашувимиз эканини хали билмасдик...

...1980 йил 12 сентябрь. Университет томон кетаётиб йўлда Баходирнинг курсдоши Раҳимжонни кўриб қолдим. У менга:

– Хафа бўлмайсиз, сизга бир совуқ хабар айтаман. Баходир дўстингиз Хоразмда дарёга чўкиб кетибди.

Раҳимжон ҳазилқаш йигит, шунинг учун гапига ишонмадим:

– Эй, ҳазиллашманг, – дейман.

– Бундай хабарда ҳазил бўлмайди. Ишонмасангиз, бориб деканатдан сўранг, – дейди у. Энди йигирма-ўттиз қадам юрган эдимки, факультет тарафдан келаятган Малика ва Соҳиба бану учратдим. Улар қулиб саломлашишди ва “Баходирнинг тўйин бўлаётган эмиш, нега дўстингизни “тўйига бормадингиз?” дейишди.

Шунда менинг ичимда: “Раҳимжон ҳазиллашибди-да” деган ўй келди. Мен улارга ҳозир эшитган қайғули хабарни айтдим. Қизлар “Йўт-сй” дея хайрон бўлиб қолдишди. Бирга факультетга бордик. Минг афсуски, ўша хабар рост экан. Учаламиз эзилган, ғамгин ҳолда ётоқхонага қайтдик. Хаёлимизда ўтган ўша ёз оқшомлари кечарди... Ўша оқшомларнинг бирида Маликанинг: “Тўрталамиз бирга суратга тушайлик, эсдалиқ учун” деган сўзларини эсламан... Ётоқхонада ҳаммаимиз кўзда ёш, қалбида қайғу, ғам...

13 сентябрда Баходирнинг дўстлари — Муҳиддин Раҳим, Фарҳод Ибодуллоев билан самолётда Хоразмга учдик. Самолёт салоинида биздан ташқари 7-8 та чет эллик саёх бор. Ҳамма жим, ҳамма ўз хаёли билан ёлғиз қолган... Мен нимагадир Баходирнинг оламдан ўтганига ишонмасдим. Соҳиба ва Маликанинг “Баходирнинг тўйин бўлаётган эмиш” деган сўзлари ҳаёлимда айланарди.

Биз Тошкентга Баходирсиз қайтдик.
Орадан бир ҳафта ўтиб-ўтмай Малика ҳам оламдан ўтди. Самийи бир дўстдан, самийи бир сингилдан айрилдик... Малика шеър ёзарди. Ўша шеърлар қилма, қаерда экан? Билмадим.

Баходирнинг устози хоразмлик машхур эшон Юнусхон ота шоир Баҳром Рўзимухаммадга шундай воқеани сўзлаб беради: “Эллингинчи йиллар бошида бир ҳарбий амалдорнинг фарзўйлиги сабаб қамалданган бўлиб қолдим. Ўша пайтлар шундай сабат эдикки, уйингдан араб имлосида ёзилган бир китоб топилса, бас, жазо янада оғирлашарди. Хонадонимизда бундай қўлёзма ва тошбосма китоблар анчагина бор эди. Мен уларни қилиб бир матога ўрадим-да, эски қабристондаги бир қабр ичига қўйдим. Хуршчев замонида қамоқдан озод бўлиб юртга қайтиб келдим. Аммо ўша қабр-ни очиб китобларни уйга олиб келишга юрагим дов бермади. Орадан йиллар ўтди... Кор-ёмғир, шамоллар таъсирида ўша қабрлар ҳам нураб текисланиб кетди. Лекин, китоблар яширилган ўша қабр қаерда эканини тахминан билардим. Бу ҳақда Баходирга сўзлаб берган эдим. У шу китобларнинг тақдирини билган жуда қизикиб қолди. Ҳар сафар келганида: “Шу китобларни топишимиз керак”, дерди. Баходир вафотидан ўн кунлар олдин олдимга келди ва: “Ота, юринг ўша қабрнинг жойини кўрсатинг, уни очиб китобларни оламинг, китоблар қабрда қолиб кетмасин”, деди. Бирга бориб ўша қабр жойини эҳтиёткорлик билан қазидик.

Адашмаган эканман, биз қазиган жой ўша қабр экан. Не кўз билан кўрайликки, китоблар тахланган ҳолда шундай бузимасдан турган экан. Фақат у ўралган матолаб чириб, йўқ бўлиб кетибди. Баходир китобларни кўриб жуда хурсанд бўлиб кетди. У қўли билан авайлаб бир китобни олмоқчи бўлди. Бирок унинг бармоқлари китобга тегиши биланок китоблар сочилиб қулга айланди. Бирорта ҳам китобни қўлга олиб бўлмади. Ҳаммаси қўл тегиши биланок тупроқдек тўқилди кетарди. Баходир бир зум китобларнинг қулга термулиб турди-да, сўнг елкларни титраб узоқ йиғлади...”

Хоразм аҳли юксак ҳурмат билан қараган Юнусхон ота Баходирнинг маънавий устози эди. Айнан шу инсон Баходирни болагидиган бошлаб илмий руҳда тарбиялади. Баходирни тасаввуф адабиётининг улуг сиймолари Аҳмад Яссавий, Сўфи Оллоёр, Бобораҳим Машраб руҳий олами билан илк бор таништирган ҳам шу инсон эди...
Ҳаёт ўз йўлида давом этарди. Октябрнинг охириларида яна Сирдарёга хашарга – пахта теришга кетдик. Яна куз оқшомлари... Ўша кадрдон дала... Ўша кадрдон йўл... Фақат Баходир йўқ... Хотиралар қўзимдан ёш бўлиб томчилайди... Мана Баходир шеър ўқимокда:

**Ўғлинг бўлсин олтин ошиқ ўйнагон,
Қизинг бўлсин ўз**

Абдуғаффор ХОЛИМАТОВ



Сурхондарё вилоятининг Жарқўр-гон туманида туғилган Абдуғаффор Холматов жўшқин шоир эди. Умри-ни кўпроқ илмга, ёш авлод тарбияси-га бағишлаган бўлса-да, бадиий ижод, шеърят жону дили эди.

Афсуски, умри қисқа экан, 2013 йилда, қирқ тўққиз ёшида автоҳа-локат туфайли оламдан ўтди. Назм ихлосмандларига бу нозиктаъб шоир-дан хотира бўлиб бир талай шеърлар қолиди. Ушбу битикларда ёниқ қалб туғёнлари гупуриб турганини ҳис этиши мумкин.

Бугун эътиборингизга ҳавола этилаётган шеърларда бу яққол кўринади.

Озодлик

Армоним, забоним эрурсан ўзинг, Кўнглимдаги буюк гурурсан ўзинг, Бокира, бетимсол шуурсан ўзинг, Узукка қўйилган кўзсан, озодлик! Ох, бунчалар ширин сўзсан, озодлик!

Дилгинамининг тўридаги жонимсан, Томиримда оқиб турган қонимсан, Борлигимсан, покиза имонимсан, Тогларимнинг тиргаклари – озодлик! Болаликнинг йўрғақлари – озодлик!

Тўмарисим, Спитгамен, Широғим сен, Сибирларда сарсон кезган

фироғим сен, Кўзим нури, нуридийдам чироғим сен, Каварган қўлларнинг туғи – озодлик! Юрагимнинг ёнган чўғи – озодлик!

Халким пешона терларидан бунёдсан, Минг йиллик чинорлар

томрида ҳаётсан, Шошмақомдай қадим, мангу баётсан, Баётимсан, ҳаётимсан, озодлик! Саботимсан, қанотимсан, озодлик!

Тонглар олланади ёноқларингдан, Дурлар товланади чакмоқларингдан, Шаҳидлар тирилар сабоқларингдан, Бу дунёда борлигимсан, озодлик! Тале берган ёрлигимсан, озодлик!

Тоболанинг ўзгити

Тил ўргану ўз тилингни унутма ҳеч, Халққа суян, ўзлигингни унутма ҳеч. Кези келса, бир майзини қирққа бўлган, Ризқи тугал ўзбегингни унутма ҳеч.

ХОШИРАМНИНГ УЙҒОҚ ОСМОНЛАРИДА

Ростўй бўлгин, ёлғонни сўзлама, болам, Ҳеч қачон сен осонни кўзлама, болам. Киндик қонинг тўкилган тупроқ буюқ, Ўзга жаннат маконни излама, болам.

Болаимни кўраётганида

Навнихол тераклар буй чўзди секин, Бошлари кесилган тутлар қариди. Менинг болалигим ўтган кўчалар, Тупроқ бўлса ҳамки бегубор эди.

Ғамлар зардобига ботган тунларим, Синдирди юракнинг қафасларини. Соғиниб уйғондим, ҳар тонг бокира, Мурғак болаликнинг нафасларини.

Йилларнинг чангини супурди шамол, Ташвишлар елкамга ортди юкени. Вақт лашқарига жангез топширдим, Содда болаликнинг гўзал юртини.

Армонлар тафтидан қабоғим куйди, Зулмат шамларини ёқди кўксимга. Хотирамнинг уйғоқ осмонларидан, Юлдузлар тўкилиб кетди кўзимга.

Ушмон Носирга

Вагонларда ухлайди тарих, Вагонларда тақдирлар ухлар. Нигоҳига жойлаб ватанини, Кетиб борар бир шоир йиғлаб.

Ғилдирақлар айланар тинмай, Қайга элтар бу темир излар?! Шоирнинг қалб осмонидан зор Тўкилади ғамгин юлдузлар.

Теракларнинг япроқларида, Охлар қолар, шамолда учиб. Эзуликнинг бешиқларида, Тонглар ухлар гафлатни кучиб.

Ушмон

Йил ўтди капалак қанотларида, Қолиб кетган армонлар – таскин. Эй, сен юрагимнинг саботларида, Очилган умидим, безавол ўсгин.

Кўксимга жойладим дардлар тоғини, Баҳорингиз юрагимда қиллади. Қорхат ёзим яна сизни соғиниб, Болаликнинг от уйнаган даштлари.

Хотира ҳукмига йўқ энди чора, Хазонлар қоламыш йўлақларимни. Бунчалар харобсан кўнглим бечора, Кибор ахли топтар тилақларимни.

Менинг топинганим ўшал чанг кўча, Бир куни қайтарман фироқлар билан. Онажоним мени опичлар, кучар, Соғинч отлиғ гўзал титроқлар билан.

Йил ўтди капалак қанотларида, Қолиб кетган армонлар таскин. Эй, сен юрагимнинг саботларида, Очилган умидим, безавол ўсгин.

Қайтармикан учган юлдузлар, Юлдузларга тўларми осмон. Умидларим чирқираб бўзлар, Юрагимда тубсиз бир армон.

Осмонлардан юлдуз ахтардим, Юлдузларнинг қани, эй осмон. Шеърга тўла ишқий дафтарим, Ҳар бир сатри армондир, армон.

Қайлардасан менинг юлдузим, Бугун сенинг васлингга зорман. Дардларимга малҳам бўл ўзинг, Йўқса мени ўлдирар армон.

Онамага

Сен дунёга келиб нимани кўрдинг, Чикдингми ё бир зум остона хатлаб. Турмушининг шу майда

ташвишларини, Енгмоқлик сенгами энг олий маглаб.

Сен дунёга келиб нимани кўрдинг, Болам, болам, дея жонинанг халак. Нахотки, ўзга армонларинг йўқ, Нахотки, бардошга айланган юрак.

Сен дунёга келиб нимани кўрдинг, Нахот, менинг бахтим сен учун бахтир. Нахот, оналарга фарзандан ўзга, Бахтни раво кўрмаган тақдир.

Пайт келиб дунёни тарк этар бўлсам, Сўровчим бўларми, ким эди Гаффор. Майсадай бир куни қайта тирилсам, Мени эслармикан дўсти-вафодор?

Ашқиди бир гўзал шабнамлар сизган, Тонгги гунчаларим унутмасмикан? Гаффор ким деб, сўрашса сиздан, Умрим деворига дарз етмасмикан?

Сахройи жисмининг томирларида, Жўш урган исёндан қоларми садо? Ғуборли қуларнинг ёмғирларидан, Хокисор қулбамни асарми Худо?

Мен қурган бионинг метин ғиштлари,

Йиллар тўзонига берармикан дош? Азалдан шундай бу дунё ишлари, Бир паллада савоб, бир паллада тош?

Карвон кўнгириғи ҳазин куй чалар, Манзилга етмоққа бироз фурсат бор. Сўнгги дам руҳини

бир сўз киймалар, Кетсанг, дўстлар сени эсларми, Гаффор?

Чакмоқлардай бизлар учрасак бир кун, Яна дилдан дилга таралса зиё. Яна майса қаби тирилсам дурқун, Мен сендан ризоман, ёмғирли дунё!

Миллийликни тараннум этувчи ҳунармандчилик намуналари орасида кўғирчоқ тукувчи усталар деярли ҳар бир вилоятда учрайди. Айни пайтда Андижон, Тошкент, Хоразм, Навоий, Сирдарё вилоятларида ижод қилаётган ҳунарманд усталар мисолида ҳунармандчилик намуналари билан танишишингиз мумкин. Масалан, бошида дўппи, лўппи юзли, китриқлари узун қиз тимсолини акс эттирган кўғирчоқ андижонлик Манзура Юсуповага тегишли бўлса, лойдан ишланган гўзал ўзбек қизлари тошкентлик Насиба Аҳмедованинг ижод маҳсулидир. Хоразмлик кўғирчоқдўз Мансур Курязовни эса бугун нафақат юртимизда, балки чет элда ҳам жуда яхши билишади. Ана шундай ижодкорлардан бири Махада Алламбергеновадир.

Унинг ижоди ўзига хос ва ранг-баранг. У қорақалпоқ халқининг миллий маданияти ва санъатини қоғоз ва лой орқали кўғирчоқларда акс эттириб, дунё мамлакатларининг таҳсинига сазовор бўлиб келмоқда.

Қорақалпоғистоннинг Тахтақўпир туманида туғилиб вояга етган Махада Алламбергенова Ж.Шамуратов номидаги Нукус давлат санъат билим юртининг графика мутахассислигини тамомлаган. У йиллар давомида миниятура, рангтаъвир ва бўёкли нақшларда ўз асарларини яратди. Шу билан бир қаторда Нукус шаҳридаги 33-ихтисослаштирилган мактабда расм ва чизмачилик фанидан 23 йил ўқувчиларга таълим берди. Нафақага чикканидан сўнг, миллий ҳунармандчиликда ўзининг кенг камровли ижодини давом эттириб, қорақалпоқ миллий маданияти ва санъатини уйғунлаштирган ҳунармандлар мактабининг ярата олди. Айни пайтда Махада опа, ўз устахонасида шогирдлари билан янги-янги ижодий ишларга қўл урмоқда. Қорақалпоғистоннинг чекка-чекка худудларида ишсиз хотин-қизларга ҳунармандчилик орқали тадбиркорлик билан шугулланиш сирларини ўргатмоқда.

— Устозим расмом Кидирбай Нажимовдан кўғирчоқ ясашни ўрганганман, — дейди Махада Алламбергенова. — Кўғирчоқларни мен кераксиз қоғозлардан ясайман. Қоғозни ивйтиб олиб, унга махсус елим аралаштирасиз ва ҳамир ҳолига келтириб оласиз. Сўнг аралашмани қолишларга солиб керакли буюмни ясайсиз. Мени кўпчилик кўғирчоқларимдан танишади. Асосийси, мен ҳар бир образимга қорақалпоқ халқининг миллийлигини сингдираман. Либослар, бош кийим ва тақинчоқлар буларнинг бари қорақалпоқ эканлигидан дарак беради.

Чиндан ҳам устанинг қоғоздан чиройли санъат асарини яратиши мўъжиза. Бу кўллар меҳнатга яралган деймиз. Дарҳақиқат, кун келиб, меҳнат маҳсули

КЎҒИРЧОҚЛАР ОЛАМИГА САЁҲАТ



ортдан данак ниҳол бўлади, бир уй обод гўшага айланади, Махада опа биз билан суҳбатлашиб саволларимизга жавоб бераптилару кўллари қоғоздан ясаётган кўғирчоққа ишлов бериш билан банд.

— Бу сулув келин образи, — дейди опа. — Келин бўлган аёлнинг либоси бошқача бўлади. Кўғирчоқда қорақалпоқ миллий бош кийими саукеле ва миллий кўк кўйлаги тасвирланапти. Саукеле ва кўк кўйлакни қизлар фақат турмуш қурганда, қатта байрамларда киядилар. Сайёҳлар устахонамга кўп келишади. Мен уларга кўғирчоқларимни яратишда, энг аввало, миллий қадриятларимизга таянишимни айтаман. Миллийлик замирида тарих, ўзликни англаш мужассам. Ҳар бир инсон ўз миллий қадриятларига нисбатан доим хурмат ва эҳтиромда бўлмоғи лозим.

Кўғирчоқ яратиши ҳақида аниқ асосли фактлар йўқ. Кимдир Греция, яна кимдир Мисрда ихтиро қилинган деган тахминларни айтади. Кўғирчоқ аслида қизлар овуниб ўйнайдиган ўйинчоқ бў-

либ, бугун дўқонларда Европа давлатларининг энг зўр брендлари асосида ишлаб чиқарилаётган кўғирчоқлар ўрин олган. Миллий кўғирчоқларимиз эса сайёҳларнинг эътиборини жалб этиш учун сувинер дўқонларида сотилаётганлигининг гувоҳимиз. Бу ҳақида Махада опа шундай фикрларни айтди:

— Ўйинчоқлар ҳам бола тарбиясида муҳим восита. Тўғри, ҳозир замонавий кўғирчоқлар бор. Улар гапирди, ҳаттоки овкат ейдиган кўғирчоқлар ҳам яратилган. Лекин бу кўғирчоқлар қай да-

ражада боланинг тарбияси ва соғлиғига таъсир этаётганлиги ҳақида ҳеч ўйлаб кўрмаймиз. Кўғирчоқлар савдосида одатда мактабгача таълим муассасалари ходимларидан буюртмалар келиб тушади. Ота-оналарнинг қизиқишлари эса сустроқ. Охлардимки, тарбия жараёнида ота-оналар тажовузкорона нигоҳларга эга кўғирчоқлар ёки ўйинчоқ қуролларни эмас, балки миллий характери ўзида акс эттирган кўғирчоқларни фарзандларига ҳада этишса. Кўғирчоқ бир овунчоқ буюм бўлса-да, болада ўз халқига хурмат хисси уйғонади, фахрланиш туйғулари жўш уриб, ватанпарвар инсонлар сафида ўз юртига садоқатли инсон бўлиб улғаяди.

Махада опа билан бошлаган суҳбатимиз якунида яна бир лафоғатли кизининг образи яралди. Бу кўғирчоқ опанинг ўй-хаёллари, она юртига бўлган чексиз меҳру муҳаббати тимсоли сифатида қаршимда гавдаланди.

Шоҳиста АБДУРАҲМОНОВА

ЙИГИРМА ЙИЛЛИК МЕРОС

Ҳаётда турли инсонлар ўз қизиқишлари билан кўпчилики хайратга солишади. Кимдир гўзал санъат асарларни, кимдир тақинчоқ, турли хил кўзалар, миллий чолғу асбобларини, яна кимдир бежирим асалган кўғирчоқларни йиғиб умрининг мазмуни ўтишига ҳаракат қилади. Бундай ҳислат ҳаммага ҳам насиб этмаган. Биз сўз юритмоқчи бўлган журналист Жаҳонгир Пирмухамедовнинг қизиқиши сабаб тўплаган бисоти бошқаларникидан тубдан фарқ қилади.

Бир куни отахон келди, кўлида альбом ва тўрт-бешта китоб. Суҳбатлашдик, сўнг олиб келган альбомларини бирин-бирин варақлаб чикдим. Унда кўплаб мабуот саҳифаларида чоп этилган турли мавзудаги мақолалар, шеърлар, очерк, ҳикоя ва ҳажвий асарлар нозик дид билан қирқиб олинган альбомга ёпиштирилган.

— Бу салкам йигирма йиллик меҳнатим самараси, — дейди Жаҳонгир ака. — Ўзи соҳам

журналистикадан анча йирок. Қизиқишим сабабли кўлимга тушган бирор бир газета, журнал бўладими, албатта, синчковлик билан ўқиб чиқаман. Сўнгра дилимга ўтиганини йиғиб бораман. Шу тариқа турли мавзуларда мақолалар ёзиб бир неча китоблар ҳам чоп эттирдим. Аммо бу китоб умуман бошқача, — деди-да, кўлимга “Инсоннинг сўнгги сўзи...” номли китобни берди.



Китобни аста варақладим. Етти бўлимдан иборат ушбу китоб юқорида тилга олингандек ўз ичига турли мавзуларни қамраб олган. Муаллифлар турлича, мавзулар турлича. Китобга йиллар давомида йиғилган намуналарнинг энг сарарлини жамланган. Ушбу нашр зийрак ўқувчининг китоб жавонидан ўрин олишига шубҳа йўқ.

Асрор ҒАФУР

СЎЗЛАР БИЛАН СЎЗЛАШУВ

Ўқувчи бор одам

Тилимизда қобилиятли, удли-шудли, эп-ли, фаҳмли, кўлидан иш келадиган одамга нисбатан “уқувчи”, “уқувчи бор одам” дейилади. Болалигимда онам “Уқувинг бўлсин” деб кўп танбех берарди. “Уқув” сўзининг ўзи илдиздан хабар бериб турибди. Бу сўзнинг илдизи билиш англаш мазмунидаги “уқ” сўзидир. Дарҳақиқат, уққан одам уқувчи бўлади. Уқмаган одам уқувсиз бўлади. Ҳамма соҳада шундай. Халқ орасида “Таппи гапир уққанга, жонни жонга сукканга” деган мақол ҳам бор. Юсуф Хос Ҳожибда ҳам “Уқуш” ва “уқуш” сўзлари уқув, уққан маъноларида келади.

Ўқушлуқ уқар ул, билигли билар. (Уқувли уқар, билимли билар)

Ёки:

Уқуш қадрини ҳам уқушлуқ билар. (Уқув қадрини уқувли билар)

Демак, “уқуш” ва “ўқиш” сўзлари ҳам ҳар жиҳатдан жуда яқин бўлиши керак.

Эшқоқил ШУКУР

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва “Ижод” жамоат фонди жамоалари уюшма аъзоси, таникли журналист

Дилшод ИСРОИЛОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинлариға ҳамдардлик билдиради.

АДАБИЁТ НАДИР?..

Буюк адиблар, алломалар, шоирларнинг асарлари фақат чиройли сўзлари, тилининг жозибалилиги билангина эмас, балки мардона руҳи билан гўзал ва кимматлидир. Улуғ адиблар асарларидаги маъноларни бир ўқишда илғаб олиш мушкул, бунинг учун уларнинг ижодини чуқур ўрганиш лозим бўлади.

СЕНЕКА

Тафаккур ва тасаввур меваси бўлган адабиёт горлардан осмонларга биноларга қадар, сўйилдан оммавий қирғин қуролига қадар, қабилавий ҳаётдан глобаллашув даврига қадар инсониятга муаллимлик қилди, уни гафлат уйқусига кетишдан, қиргин ва ҳалокатлардан сақлади... Зотан, адабиёт бизга реал ҳаёт бера олмайди қизгин саргузаштлар, оташин туйғуларни тухфа этади... Демак, биз орзу қилиш, ўқиш, ёзишдан бир сония ҳам тўхтамаслигиниз керак. Зеро, фонийни боқийга айлантиривчи, асов вақт устидан ҳукм юришига имкон берувчи энг самарали йўл — шу!

Марно Варгас ЛОСА

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти жамоаси тарих фанлари номзоди, доцент Бўри Қодировга турмуш ўртоғи

Маҳбуба МҶМИНОВАнинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЙОТИ ВА SAN'ATI
Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
Бош муҳаррир Салим АШУРОВ
Хамқоримиз: akfa

Тахриратга келган кўғизмалар таҳлил этилмайдиган ва муаллифларга қайтарилмайдиган.
Масъула котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Хумоюн АКБАРОВ
Саҳифаловчи: Зафар РҶЗИЕВ
Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адади - 5078. Буюртма Г - 755.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А-2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташиқлотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
Сотувда нархи эркин.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси.
Босмаҳона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширишда - 20.02.
ISSN 2311-614X
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-57-42
Санъат бўлими: 233-56-40
Назм ва наср бўлими: 233-58-60